



ХИСОБЛАГИЧ БОР, СУВ ЙЎҚ



РАҲБАРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ



ТАДБИРКОР ЎЗИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛАЁТМИ. ҲОКИМЛИКЧИ?



МАҚОЛАНИ ЎҚИДИНГИЗМИ? ЁКИ...



№64-65
2019-йил, 13-август
Seshanba (32.555)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Жорий йилда инвестиция дастурлари доирасида молиявий манбалар ҳисобидан 3 мингга яқин объект, жумладан, 447 та мактабгача таълим муассасаси, 506 та умумтаълим мактаби, 218 та соғлиқни сақлаш, 12 та мусиқа ва санъат мактаби, 8 та олимпия захиралари ва 14 та олий таълим объектида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, доимий муҳокама қилиб бормоқда. Ушбу соҳаларга доир ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга қўмақлашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Экспортни кўллаб-қувватлаш миллий тизими яратилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, 205 номдаги товарларнинг экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини қўллаб бериш йўлга қўйилди.

Бундай реал, амалий чора-тадбирлар албатта ўз самарасини бермоқда. Экспорт билан шуғулланадиган субъектлар саноатга 2 мингта янги корхона қўшилди, экспорт географияси 42 та давлатга кенгайди, 59 турдаги маҳсулот биринчи марта экспортга йўналтирилди.

Жорий йилнинг етти ойида товарлар ва хизматлар экспорт 7 миллиард 331 миллион долларни ташкил этган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоиз кўпдир.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси, «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятларида экспортни кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани қайд этилди. Мутасадди раҳбарлар экспортёрларнинг муаммолари билан тизимли шуғулланилаётгани, давлат томонидан яратилган имкониятларни тадбиркорларга етказиб, уларнинг ташқи бозорга чиқишига қўмақлашмаётгани таниқд қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошчилигида ташкил этилган Ҳудудлар ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича Республика комиссияси корхоналар вакиллари ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб, уларни экспорт фаолиятига жалб қилиши, бу борадаги муаммоларини ҳал этиш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва сертификатлардан ўтказиш бўйича ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

— Экспорт имкониятларимиз кўп. Хусусан, пахта толаси ва мева-сабзавотни қайта ишлаб, экспорт бўл маҳсулотлар чиқариш мамлакатимизнинг ривожланиш нукталаридан бири бўлиши керак. Шу орқали экспортни кўпайтирамиз ва янги иш ўринларига эга бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, юртимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бутун дунёда қадрланади. Бу тайёр «бренд» экспорт учун катта имкониятдир. Президентимизнинг шу йил 29 июль куни қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чўқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур имкониятдан самарали фойдаланиш, аграр соҳага замонавий технологияларни жорий қилишга қаратилган.

Унга қўра, 2019-2021 йилларда умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 45 та агрологистика комплекси, қайта ишлаш бўйича 205 та янги қуваёт, 36 минг гектар интенсив бог ташкил этиш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борадаги ишларнинг ижросига ҳам тўхталиб ўтилди. Белгиланган чора-тадбирларни муддатида бажариш ва бунинг ҳисобида мева-сабзавот экспортини 2021 йилда 2 баробар ошириш зарурлиги таъкидланди. Тақририй майдонларга экспорт бўл эканлар экиш, айниқса, дўқакли маҳсулотларни экспортга кўпроқ чиқариш муҳимлиги қайд этилди.

Хорижа таширлар ҳамда халқаро кўргазмалар доирасида имзоланган экспорт шартномаларининг бажарилиши, октябрь ойида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» номли халқаро кўргазма ўтказилишига оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Экспортёрларнинг хориждаги савдо уйлари устас капитали микдорини ошириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатланти-

рувчи кучидир. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани натижасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида 85 триллион 775 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўпдир. Асосий капиталда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 2,5 баробар ошиб, 1,7 миллиард долларга етган. Давлат кафолати бўлмаган хорижий кредитлар эса 3,7 баробар кўпайган. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг қарийб 75 фоизи ҳудудий лойиҳаларга тўғри келмоқда.

Бу кўрсаткичлар қайд этилар экан, энди асосий эътиборни йилнинг қолган даврида қўзда тутилган инвестицияларни тўлиқ ўзлаштиришга қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш сушт кечаётган тармоқлар раҳбарлари мавжуд ҳолат сабаблари ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш режалари тўғрисида ҳисобот берди.

Вазирлар Маҳкамасига 2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, умумий қиймати 4,2 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳа бўйича саноат объектларини муддатида ишга тушириш юзасидан топишриқлар берилди. «Навоийазот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ва азот кислотаси ишлаб чиқариш, Муборак газни қайта ишлаш заводида суоптирилган газ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Тўрақўрғон, Тахиятош ва Навоий иссиқлик электр станцияларида янги буғ-газ ускуналарини ўрнатиш, Тошкент металлургия заводида қуриш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Тахлилларга қўра, охириги ўн йилда ишга туширилган 40 га яқин йирик корхона қуваётлари-дан тўлиқ фойдаланилмаётгани.

Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган корхона ва объектлар фаолиятини тахлил қилиб, кам қуваётда ишлаётганларини лойиҳа параметрларига олиб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ушбу дастурга, аввало, олий даражадаги таширлар доирасида имзоланган 650 га яқин келишувларга мувофиқ ишлаб чиқилган аниқ лойиҳаларни, шунингдек, нефть-газ хомашёсини чўқур қайта ишлаш, мўқбил энергетика, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш материаллари, агросаноат каби юқори технологияли тармоқлардаги лойиҳаларни киритиш зарурлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим соҳа — маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи атрофлича тахлил қилинди.

Маҳаллий хомашёни чўқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қиймат яратиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодиёт барқарорлигини муҳим омилдир. Шу боис мамлакатимизда маҳаллийлаштиришнинг ривожлантириш, корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтиришга зарур шароит яратилмоқда. Лекин айрим тармоқ ҳамда ҳудудларда маҳаллийлаштириш бўйича ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган таниқд қилинди.

— Шунча шароит яратяпмиз, технологиялар олиб келяпмиз. Жойлардаги раҳбарлар эса ўзини қийнамай, маҳаллийлаштириш устида ишлаш ўрнига осонгина импорт қилишга ўрганган, — деди Президентимиз.

Юртимизда молибденнинг 1,1 фоизи, табиий газнинг 12 фоизи, руҳнинг 21 фоизи, миснинг 25 фоизи, мева-сабзавотларнинг 20 фоизи, ип-калаванинг 46 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Агар бу хомашёлар чўқур қайта ишланса, қўшимча қийматни 5 баробаргача ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасига барча тармоқ ва ҳудудлар корхоналарида маҳаллийлаштирилган товар ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси икки йилда камида 20 фоизга ошириш, импорт улуши юқори бўлган товарларни маҳаллийлаштириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ҳисоб палатаси таркибиде маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларини тахлил қилдиган бўлини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида тармоқлар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ҳисобот ва тақлифлари эшитилди.

ЎЗА

КАСПИЙ ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ: МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ТУРКМАНБОШИ, 12 АВГУСТ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ УЛУҒБЕК АСРОРОВ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Жорий йил 11-12 август кунлари Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳридаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида «Каспий денгизи: халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш самаралари» мавзусида биринчи Каспий иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Д.Медведев, Озарбайжон Республикаси Бош вазир Н.Мамедов, Эрон Ислон Республикаси биринчи вице-президенти И.Жаҳонгирий, Қозоғистон Республикаси Бош вазир А.Мамин, Болгария Республикаси Бош вазир Б.Борисов бошчилигидаги делегациялар иштирок этди.

Форум очилишида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов нутқ сўзлади.

Биринчи Каспий иқтисодий форуми минтақада аҳил қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, савдо, транспорт, энергетика, туризм каби йўналишлардаги лойиҳаларни самарали амалга ошириш, иқтисодий ҳамкорликни, инновацион ютуқларни оммалаштиришга ва янги гошлар алмашинувиға хизмат қилиши таъкидланди.

Қадимдан Европа ва Осиё қитъаси мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашда Кас-

пий денгизи бўйлаб амалга оширилган тижорий фаолият муҳим ўрин тутган. Бугунги кунда Каспийбўйи давлатлари ва уларга қўшни мамлакатлар иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, инвестиция сиёсатини рағбатлантириш ва бизнес доиралар ўртасида ўзаро мулоқотни янада жонлантириш учун махсус платформа эҳтиёж туғилмоқда. Биринчи Каспий иқтисодий форуми ана шу гош муҳим ташаббусни амалга оширишдаги илк қадамлардан биридир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатда яқин қўшни ва ҳамкор мамлакатлар билан ўзаро ишонч руҳидаги шериклини жадал ривожлантирмоқда, жумладан, Каспийбўйи мамлакатлари билан ҳам. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ушбу минтақа давлатлари билан умумий савдо айланмаси ҳажми 16 фоизга ортиб, 5,2 миллиард долларга етгани фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Европага асосан Қозоғистон, Россия ва Болтиқбўйи портлари орқали маҳсулот экспортини амалга оширади. Амударё устида «Туркманобод — Фароб» йўналишидаги автомобиль ва темир йўл кўприги, шу билан бирга, «Туркманбод», «Ақтау» замонавий портлари ҳамда «Боку — Тбилиси — Қарс» темир йўлининг очилиши Марказий

Осиё давлатларида юк ташиш ҳажмини 2018 йилда 35 фоизга ошириш имконини берди.

«Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон» ва «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» транспорт-коммуникация лойиҳаларининг ишга туширилиши эса қитъалараро транспорт йўлагини ривожлантириш учун зарур шароит яратади.

Таъкидлаш жоиз, Каспий минтақаси давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун катта қизиқиш ва салоҳият мавжуд.

Халқаро анжуманда Каспийбўйи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестиция, ахборот коммуникациялар, энергетика, транспорт, транзит соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни тўла рўёбга чиқариш имкониятлари кўриб чиқилди.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулла Арипов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди.

Туркманистон Президенти форумда Ўзбекистон делегацияси иштирокини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов Эрон Ислон Республикаси биринчи вице-президенти

И.Жаҳонгирий, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Д.Медведев билан ҳам учрашди.

Мулоқотлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Делегациялар раҳбарлари Туркманистон Президенти ҳамроҳлигида Форум доирасида ташкил этилган Каспий инновацион технологиялари ва «Туркманистон саҳроси — 2019» халқаро кўргазмасига ташриф буюрди.

Кўргазмада 21 давлатдан 50 дан зиёд йиғир компания вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон учун ажратилган павильонда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори технологиялар, энергетика, нефть-газ, автомобилсозлик каби соҳаларда эришилган инновацион ютуқлар намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари биринчи Каспий иқтисодий форумининг минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини қайд этди. Анжуман якунлари бўйича эришилган келишувлар ўзаро ишонч руҳидаги шериклини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва саноатнинг турли йўналишларида инновацион ишланмаларни жорий этишда ана бир ижобий қадам сифатида баҳоланди.

ЎЗА



Суратда: Чорсу буюм бозори ҳудудида ташкил этилган мактаб бозори ярмаркасида.

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Янги ўқув йили бошланиши олдидан ота-оналар учун қўлайлик яратиш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, кийим-кечак ва пойабзаллар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 10 августидан Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудларидаги буюм ва озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида, йирик савдо мажму-

лари ва дўконларда мактаб ярмаркалари фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур мактаб ярмаркаларида зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилди. Уларни кенг асортиментдаги ўқув қуроллари, кийим-кечак, пойабзал ва зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорлар кенг жалб этилмоқда.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини самарали ва ушқоқлик билан ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, санитария ва бошқа зарур хавфсизлик тадбирларини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар масъул этиб белгиланди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ортда қолмаслик дастури

Уни ким тузади ва амалга оширади?

Китоб туманидаги тажрибали боғбон дўстим Ғуломжон Эрнazarов билан ўртамизда шундай суҳбат бўлиб ўтганди:

— Телевизордан партиялараро мулоқотни томоша қилгандим...

— Ҳўш, ҳўш.

— Шовманг-да. Уйпаганларимни эспай. Ҳа энди... одамлар ўзагаран, сайловда дуч келганга овоз бермайди. Ҳозир айтаман, тарафини олдидан...

— Хайрихоҳлар.

— Шундай, мен хайрихоҳман партияларингизга, чўнки халқ учун жон куйдириб ишлайдиган ходиму депутатлари кўп. Бошқа партия ҳам қараб турмайди, ахир. Хуллас, астойдил тўр тўкишларинга тўғри келади.

— Сиздай хайрихоҳларимизни кўпайсин!

Касаба уюшмалари Қашқадар вилоят бирлашмасининг кенг, шинам мажлисхонасига барвақт етиб келгандим. Мендан аввалроқ келганлар, бир-бири билан охишта суҳбатлашганлар анча экан. Уларга қўшилиб суҳбатлашаман, фикрларини тинглайман.

Енимга «Нуроний» жамғармаси Қарши туман бўлими раҳбари Полвон Тўлиев келиб, сўрашади. Полвон журналист, узок йиллар туман газетаси муҳаррири бўлган. У туманда 236 минг аҳоли яшаётгани, шундан 19 мингдан ортиги нуронийлар экани, яқинда 100 ёшга етган Очил бобо Тошевнинг хонадониде бўлгани, умуман, партияимизда «устоз-шогирд» аънаъаси яхши ривожланаётгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.


Косон туманидаги «Турон» МЧЖ раиси, туман Кенгаши депутати Азизжон Усмонов шундай дейди:

— Ўтган беш йил бу — катта давр. Бугунги анжуманга ҳар ким ўз қилган ишлари, фикр-мулоҳазалари билан келган. Ташкилотимиз фаолиятига тўхталадиган бўлсам, бу ерда 70 киши доимий иш билан таъминланган. Бу йил анча жойга қовун эдик. 200 киши вақтинча бўлса-да, ишли бўлди. Қовунларни Россия, Беларусь каби давлатларга экспорт қилдик. Катта янгиликлардан бири — электр тармоқлари учун замонавий нимстанция қурилди, аҳоли мамнун. Ер остида чўқуқ сув бор, артезиан қудуқлар қазиб, аҳолини таъминлаш имконияти пайдо бўлди, биласиз, қишлоқларимиз даштда жойлашган. Барча астойдил меҳнат қилса, партияимиз, депутатларимиз, бўлажак номзодларнинг тарафдорлари кўпаяди...

Давоми 2-бетда. ►

Мақтов эмас, ҳақиқатни, ишга ёрдам берадиган гапларни айтиш лозим.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



ОРТДА ҚОЛМАСЛИК ДАСТУРИ Уни ким тузади ва амалга оширади?

Масъул ишларда меҳнат қилган, ҳозирда Касби тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, партиямиз фаоли Тўра Саидов бир кун олдин партиямиз Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятлов туманга боргани, фаоллар, депутатлар билан суҳбатлашгани ҳақида гапириб берди. Касби — вилоятдаги энг йirik туманлардан бири. Худуддаги 47 бошланғич ташкилот 2,5 минг аъзони бирлаштирган. Жуда фаол худудлардан бири. Туман Кенгашига партиямиздан 14, вилоят Кенгашига 2 нафар депутат сайланган. Партия гуруҳи шу йилда 3 та муҳим масалани туман Кенгаши сессияси муҳокама қилиб чиқиб, қарорлар ижроси учун курашяпти...

Енимдаги ўриндиқларга ёшлар келиб ўтиришди. Уларнинг ҳаяжони менга ҳам ўтади, чунки тумандаги 6-мактабнинг иш юритувчиси Гулшан Ҳайитова, тил ва адабиёт ўқитувчиси Мадина Маликова яқинда партиямиз сафига ўтишган экан. «20 дан ортиқ ҳамкасбларимиз шу партияни танлаган, мен ўйлаб, ўрганиб, қалб амрига қулоқ солдим», дейди Мадина донодо қилиб...

Ҳа, мен суҳбатлашган бу кишилар Қашқадарё партия ташкилотининг VI конференциясига ибратли ишлари, режалари, орзулари билан келишган.

Партиямиз Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов конференциядаги маърузасида янги, кенг қўламли вазифалар ҳақида тўхтади. Партиямизнинг худуддаги таянчи — вилоят ташкилоти бугунги кун талаблари асосида ишлаш оляптими? Бажарилган ишлар таҳлили нимани кўрсатапти?...

Аввало, ўтган 5 йилда партия аъзолари сони вилоятда 40510 нафарга етибди. 11601 янги аъзо қабул қилинган бўлиб, уларнинг 36 фоизи аёллар, 40,3 фоизи ёшлар экан.

Музокарада қатнашган Шахрисабз шаҳридаги 16-мактаб директори, шаҳар Кенгаши депутати Шахло Раҳмонова бўлажак сайловларда номзодларнинг 50 фоизи хотин-қизлардан бўлишининг катта аҳамияти ва шундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирди. Вилоят партия кенгаши раиси Олим Равшанов ҳам ҳисобот даврида бу муҳим масала ҳақида эътиборда эканини таъкидлади. Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш ва бошқа вазифаларни бажаришда натижалар кўзга ташланади. Рақамларга эътибор берайлик. 575 нафар хотин-қизнинг ишга жойлаштиришга, 306 нафарининг касаначилик билан шугулланишига, 180 нафарига тадбиркорлик фаолиятини бошлашига яқиндан қўмақ берилган. Бу қўлаб оилаларга қувонч олиб келгани, шубҳасиз.

Худудда партиямиз ёш аъзоларининг сони 13489 нафар. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаҳар ва туманлар бўлиmlари ҳамда партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамкорлиги яхшиланиб бораёпти. «Ёшлар — келажатимиз» Давлат дастурини амалга ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари жонли, ҳаётли олиб борилаёпти. Ёшларга амалий ёрдам кўрсатишда. Шу йилнинг 14 июнида Китоб туманида ўтказилган «Беш ташаббус — беш имконият» доирасидаги ёшлар форуми кўпчилигининг эсида қолди.

Қўшимча шуки, Зилола Норова Китоб туман кенгаши раислигига уч йил бурун сайланган, ишлар тубдан ўзгарди ва жонланди. Мен Зилола билан бирга Паландар қишлоғида богбон ёшлар, тоғли Варганза қишлоғида чевар ёшлар, Китоб шаҳрида турли тадбиркор ёшлар билан учрашиб, муаммоларини эшитганим, туман кенгаши ёрдамида уларнинг кўпчилиги хал бўлди.

Асосий маърузада партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаатлар қамайгани, бунинг сабаблари айтилди.

Бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш ҳам эътибор талаб қилади. Очиги, уларнинг фаолиятида тузулқоқ самара кўринмаёпти. Худудда 792 бошланғич ташкилот бор. «Аслида уларнинг барчаси фаолми? Ташкилотлар уларнинг 70 фоизи амалда фаолият кўрсатаётганини ошкор қилмоқда», деб тан олди О.Равшанов. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида 242 бошланғич ташкилотга янги раислари сайланган. Гапнинг сираси шуки, агар ишни ўзгартирадиган, халққа энг яқин бошланғич бугун ишини жонлантирадиган чоралар амалга оширилмаса, кўп нарсани бой бериш ҳеч гап эмас. Олдинда сайловлар турибди...

Маърузада вилоят, туман ҳамда шаҳар кенгашларидаги депутатларимиз 620 дан ортиқ депутатлик сўрови юборгани тилга олинди. Агар кўтарилаётган масалалар, уларнинг ижроси ҳақида гапирилганда, (бу ҳақда очикроқ ва батафсилроқ маълумот берилгани йўқ) ҳақиқий натижа билан кўпчилик танишган бўларди. Чунки партия ўз мақсад ва режаларини депутатлари орқали амалга оширади.

Таъкидланганидек, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан

Рашид ака анча йил мактабларга, Қарши шаҳар «Маҳалла» жамғармасига раҳбарлик қилди, партия вилоят ташкилотини ҳам бошқарди. Ҳозир ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, депутат. Уни халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши раисининг ўринбосарлигига ҳам сайлашди.

— Шаҳар кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббус кўрсатаёпти, сайловчилар ишончини оқлаёпти, — деди у. — Шаҳар Кенгашидаги партиямиздан сайланган 11 депутатнинг ҳаммаси обрў-эътиборли, қийинчиликлардан чўчимади. Улар қайси масалани ўрганишса, маҳаллалар, ташкилотлар вакилларини жалб этишди, шовиб хулосага келишмади. Шу тарзда ўтган даврда 14 муҳим масала сессияларда, 18 масала доимий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилди ва қарорлар ижроси назоратга олинди.

Яна қандай масалалар, денг. Дори-дармон воситалари, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, чиқиндилар тўғрисидаги қонунлар ижроси, аҳолининг кам таъминланган қатламни уй-жой билан таъминлаш, ички йўлларнинг аҳоли ва бошқа масалалар кўтарилгани одамларнинг миннатдорчилигига сабаб бўлган эди. Менинг ўзим Қарши шаҳрини

мулоҳазаларини ўзгача бир қоникш, қувониш билан эшитдим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Комила Каромованинг ишлайдиган қонунларни яратиб ушун лойиҳаларни вилоят ва кўйи партия кенгашларига юбориш имконияти яратилгани, янги давр талаблари ҳақидаги фикрлари эътиборни тортди. Жами 123 аъзони бирлаштирган Деҳқонobod тиббиёт бирлашмасидаги БПТ раиси Ражаб Ниёзовнинг фикрлари ҳам диққатга сазовор эди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили Муродилла Нормуродов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Конференция бошланмасдан аввал ЎзХДП Марказий кенгаши раиси Улугбек Иноятлов билан анча суҳбатлашдик. Мен тўқсон тўртинчи йилдан буён партиямиз аъзоси, марказий нашрининг вилоятдаги вакилимман. Воҳага келган партиямиз раҳбарларининг фикрларини йиғилишларда кўп эшитганман.

Партиямиз етакчиси конференцияда халқимизнинг дard-ташвишлари билан яшаш, партиямиз Дастури, Сайловолди дастури, уларга билдирилаётган фикрлар, олдинда турган сайловлар масъулияти ҳалалар меъёридан анча кўп. Янги бино учун ер майдони ажратилди, аммо қурилиш хануз бошланмаёпти. Мен сайланган худудда яна бир маҳалла — Алишер Навоий маҳалласи бор. Ҳар иккала маҳаллада ҳовлилар, ерлар анча. Агар оқар сув билан таъминланса, ноз-неъмат етиштириш имконияти кўпаяди, оилалар фаровонлиги ортади.

Ханифа Панаева, Қарши шаҳридаги «Дарозатутак» МФЙ раиси, шаҳар Кенгаши депутати:

— Партиянинг қўйи бўгинлари фаолияти суст, деган мулоҳазалар йиғилишларда кўп айтилимоқда. Эски хулоса билан номига танқид қилиш яхши эмас, деб ўйлайман. Партия ташкилотлари ҳақида «ёппасига ёмон ишляёпти», деб хулоса чиқариш ярамайди. Масалан, бизда яхши, одамлар партия фаолларидан рози. Демак, ҳар бир худудни чуқур ўрганиб, кейин асосли танқид қилиш фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Раъно Жонқувватова, Ғузур туманидаги «Қовчин» МФЙ маслаҳатчиси, Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати:

— Энг қудратли қорхоналар, қонлар ўзимизда эди-ю, зор яшаб келардик. Елдиқ, югурдик, яқинда 8 минг аҳоли яшайдиган қишлоқдаги хонадонларга табиий газ кириб келди. Одамларнинг қувончини айтинг. Яна бошқа яхши ишларимиз кўп, вақтингизни олмаман. Ҳаракат қилсак, бўлажак номзодларимиз халқ ишончини қозонади. Мен бунга ишонаман.


Шунингдек, шу кунги ташкилий пленум бўлиб ўтди. Унда Олим Равшанов ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, Музаффар Туропов ўринбосар этиб қайта сайланди.

Мен анжуман давомида турли-туман фикр, таклифларни эшитар эканман, шиддат ва ўзгача шижоат билан давом этаётган ислохотлар, халқимизнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётгани ҳақида ўйлайман. Яна партиямизнинг ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик ва демократия гояларидан иборат мафкураи кўп қалблардан жой эгаллашига ишонаман. Ортада қолмаслик, ҳаёт билан тенг қадам ташлаш бўйича дастурни ҳар бир худуд, бўлажак депутатлар ўзлари тузиши ҳақидаги янги аҳда-шув кўпчиликка манзур бўлгандай туюлди.

Англадимки, партиямиз катта ўзгаришлар оstonасида турибди. Талаб ҳам, масъулият ҳам кучаймоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ҲИСОБЛАГИЧ БОР, СУВ ЙЎҚ



Наманган вилоят партия кенгаши депутатлар гуруҳи билан биргаликда Чуст туманидаги Мавлоно Лутфуллох номли маданият ва истироҳат боғида аҳоли вакиллари билан очик мулоқот ўтказди.

Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Равшан Абдуллаев, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир Гулшан Асатова, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати, Сенат аъзоси Мавлуда Имомова, Чуст туман ҳокими ўринбосари Нуриддин Кенжаев аҳоли ижтимоий ҳимоялаш ва қўлаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритишди.

Шундан сўнг аҳоли вакиллари ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан фикр мулоҳазалари, муаммолари ҳолатлар ҳақида таклиф ва талабларини баён қилишди.

— «Пансада» маҳалласидан келдим, — дейди Абдор Мадбоев. — Шу кунларда жияним Жавоҳир туман марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимида оғир аҳволда ётибди. Назаримда, унга вилоят ёки республика муассасаларида ишлайдиган врач-мутахассисларнинг ёрдами зарур. Агар депутатларимиз шу масалада қўмақ беришса, яхши бўларди...

Туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари ўринбосари, туман Кенгаши депутати Фахриддин Зокиров бу мурожаат бўйича масъулиятни зиммасига олди, вилоятдан мутахассислар қақириладиган бўлди.

«Варзигон», «Шаргилдон» маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи 49-оилавий поликлиника бош врачлари Ҳабиба Воҳидова поликлиника учун яна битта қўшимча тез тиббий машинаси ажратилишини сўради.

— Ўрнатилган тартибга кўра 12 минг нафар аҳолига битта тез тиббий ёрдам машинаси ажратилиши керак, — дея изох берди у. — Бизнинг оилавий поликлиника ҳисобида 17 минг киши ҳисобда туради. Хизмат қақирувлари кўп, битта машина билан улгуриш қийин бўляпти. Аҳоли бу ҳолатга эътироз билдирыпти.

Ушбу мурожаатни атрофлича ўрганиб ҳал этиш бўйича депутат ва мутахассислардан иборат гуруҳ тузилди.

— Мен «Бодомзор» маҳалласиданман, — деди ўзини Умриниса Латипова деб таништирган аёл. — Ўғлимни оиласи билан маҳалламиз худудидаги ёш оилалар кўчасига қўчиргандик. Ушанда «Сувоқава» туман бўлими томонидан водопровод суви учун пул йўғилиб, қувур тортилганди. Ҳисоблагич ўрнатилиб, ҳали келмаган сув учун ҳам олдиндан тўлов ундирилган эди. Шунга ҳам 4 йил бўлибди. Сув қачон келади? Олдиндан ундирилган тўлов пулларининг ҳисоб-китоби қандай бўлади?...

Мутасадди Самаев Мўминжон сўз олиб, ҳолат депутатлар билан бирга қайта ўрганилишини, талабни қонантлаштиришга киришилишини маълум қилди.

Савол-жавоблар асосида қизгин ўтган мулоқотда кўтарилган масалалар ўрганилиши, натижалар бўйича мурожаатчиларга маълумот берилиши маълум қилинди.

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши мулоқотда фаол иштирок этган ҳамкор ташкилотлар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ



Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Алишер Навоий

РАҲБАРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Мансабдорларнинг тафаккурини ўзгартириш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда



Мақсуда ВОРИСОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— «Сиёсатнома» асари билан Шарқу Фарбда ўчмас из қолдирган Али Тусий Низомулмулк раҳбар ва раҳбарни танлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Кишиларни ишга тайинлаётганда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритиб, амалдорларни тўғри танлаш, уларга қўлларидан келадиган вазифаларни топириш, ихросини ўз вақтида талаб қилиш лозимлигини кайд этган.

Низомулмулк ўз даврида давлатни бошқариш жараёнида вазирлар, бошқа кичикроқ лавозим эгаларини ўз ишларига жиддий муносабатда бўлишга, зиммасидаги вазифаларни ҳалоллик ва поклик билан бажаришга даъват этган. Бу ўғитлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳар бир жамият сиёсий ҳаётидаги жиддий ислохот маънавий-маданий юксалишлар билан параллел содир бўлиши керак, деган фикр юради. Бундай узвийлик ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Бироқ бу қўп, қатъий ва тизимли маърифий ишларни талаб қилади. Тафаккурни ўзгартириш энг оғир вазифалардан бири.

Жамиятда янгиланишни амалга ошириш, инсонлар онг-тафаккурда ўзгариш яратишда жамиятни бошқариб турган катта-кичик раҳбарлар етакчилик қилади. Чунки ҳар қандай ташкилот, корхона ёки муассасанинг раҳбари шу меҳнат жамоасидаги кайфиятни, ҳодимларнинг ўз ишига, ҳамкасбларига, меҳнати натижасига, амалга оширилаётган ўзгаришларга, алап оқибат жамиятга ва давлат сиёсатига муносабати шаклланишига муҳим таъсир кўрсатади.

Бу масалада Япония тажрибаси алоҳида аҳамиятга молик. Мамлакатда раҳбар ҳодимлар асосан психологик ёндашган ҳолда, эҳтиёткорлик билан одамларнинг руҳини ургатаркан, ҳизматчиларнинг иш шaroитини доимо яхшилашга уринаркан, ҳар қандай ёрдамни аямасдан муомала қилишга ҳаракат қиларкан. Бундай маданиятни ёндашув мамлакат раванқига қандай самара берганига бугун гувоҳ бўлаёмиз.

Раҳбар хонада ўтирмасдан, ўз фаолиятини ишчилар орасида олиб бориши ишчи ҳодимларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини янада оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида тўб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин ижтимоий соҳадаги амалга оширилиши лозим бўлган, Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳар доим ҳам қўтилган натижани бермаяпти. Менинг фикримча, бунга асосий сабаб ташкилотлар раҳбарларининг ислохотлар моҳиятини тўлиқ англаб етмасдан, фақат шакл ўзгаришига эътибор қилишидир.

Ижтимоий тармоқларда кескин танқидларга учраётган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам аҳолимиз кутган ижобий натижаларнинг камлиги асосан бошқарувнинг тўғри ташкил этилмаганидан, деб биламан. Фикримча, жамиятда инқилобий ўзгаришларнинг тезлашувига туман даражасидаги раҳбарларнинг қўпчилиги тайёр эмаслиги, баъзи ҳолларда эса ана шу ўзгаришларни амалга оширишни истамаслиги сабаб бўлмоқда.

Фикримча, бундай ҳолат йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида тайинлаш аниқ бир меъёрларсиз, тизимли тайёргарликсиз, очигини айтганда, таниш-билишчилик «технологияси» асосида олиб борилагани оқибатида келиб чиқди.

Баъзида ота-оналар, умуман, аҳолимиз ўқитувчиларнинг билими саёзлиги, масъулиятсизлигидан шикоят қилиб, уларни аттестациядан ўтказишни талаб қиладилар. Аттестация ўтказдик, билими саёз деб топиладиган муаллимларни ишдан четлатдик, деб фарз қилайлик. Нимага эга бўламиз? Биринчидан, шундоқ ҳам етишмаётган ўқитувчилар янада камайдди, иккинчидан, раҳбарлик ёндашуви ўзгармаса, эски авторитар бошқаруви давом эттирса, таълим сифати яхшиланиш ўрнига пасайиб бораверади.

Шу ўринда ҳаётий мисол келтирмоқчиман. Онам 15-16 ёшларида ўша вақтда (1937-1938 йиллар) педагогика техникуминини тугатиб, (Тошкент вилояти) Тўйтепага ўқитувчи бўлиб борганлар. Кундуз кунини болаларни мактабда кечки пайт қатталарни «саводсизликни тугатиш» гуруҳларида ўқитганлар. Иккинчи жаҳон уруши даврида мактабни бошқарганлар. Тасаввур қилинг, муштдеккина қиз бутун бошли қишлоқда ёлғиз муаллима! Лекин болаларда ҳам, катталарда ҳам ўзлаштириш даражаси яхши бўлган. Менимча, бунинг сабаби бошқарув тўғри ташкил қилиниши, кадрларга билдирилган ишонч, ижодий имконият берилишида, деб биламан. Бугун мактабларда ўқитувчилар қатъий рамкага солиб қўйилган, ҳудуд хусусиятлари, мактаб имкониятлари инобатга олинмайди. Ақсарият ишлар фақат ҳисобот учун бажарилади, ўқитувчи ҳар бир бажарган иши учун ҳисобот ёзишга, яна камига фотосуратлар илова қилишга, сон-саноксиз фойдаланиш тўлдиришга, дарсдан бўш вақтида ҳам мактабда ўтиришга мажбур. Ахир бўш вақтда устоз ўз устида ишласа, маданий ҳордиқ чиқарса, кутубхонада ёки интернетда шугулланса, билими



кенгайиб, дарслар сифатига ижобий таъсир қилади-ку!.. Албатта, бу ҳам мактабларда бошқарув масаласи қандай йўлга қўйилгани билан боғлиқ масала.

Худди шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам тиббиёт ҳодимлари хизмат вазифаларига кирмайдиган ишларни бажарадилар, қўп ҳолларда асосий вақт бемор учун ҳам, тиббиётчи учун ҳам фойдаси бўлмаган, фақат назоратчи учун керак бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришга сарфланмоқда. Тиббиётда соҳалар бўйича врач ва ҳамшираларнинг лавозим вазифалари аниқ чегараланиши ўта муҳим, акс ҳолда, бемор ва тиббий ҳодим ўртасида муаммолар кучайиб бораверади.

Ҳар иккала соҳада ҳам мутахассисларнинг ўз ишига ижодий ёндашуви имкон бермаслик, доимий, кўпинча бир-бирини инкор қилуви кўрсатма ва топириқларнинг берилиши, соҳа хусусиятларидан тўлиқ хабардор бўлмаган назоратчиларнинг ўзларича топириқ беришлари, раҳбарларнинг фақат юқори ташкилотлар олдида яхши ҳисобот учун интилишлари, бунинг учун оддий ҳодимлардан кўзбўямачиликни талаб қилишлари маориф ва тиббиётда ислохотни амалга оширишга катта тўсиқ бўлмоқда, кадрларни ўз ишидан бездирмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу ижтимоий муҳим икки соҳада раҳбар кадрларнинг тўғри танлалиши, ишчи-ҳодимлар самарали бошқарилиши катта аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Аҳоли орасида муҳит ва кайфият яратувчи, тараққиёт оёғига тушов бўлаётган қўйи даражадаги кадрларнинг дунёқарашини қандай ўзгартириш, билим савиясини қандай яхшилаш мумкин? Мени кўпроқ шу савол ўйлантиради.

Тушунаман, бу жуда оғир ва оғриқли масала. Лекин шунинг хал қилмасдан муваффақиятга эришининг иложи ҳам йўқ.

Менимча, ҳар бир туманда ҳар бир соҳа бўйича раҳбар кадрлар захирасини тузиш керак. Тўғри, бугунги кунда ҳам қозғола бундай

захира мавжуд. Лекин мутахассис раҳбарлик захирасига қайси меъёрлар асосида, қимнинг тавсиясига қўра киритилмоқда? Йиллар давомида бу захирадан фойдаланиш самараси қандай бўлди?... Шу каби саволларга жавоб бериш қийин бўлса керак.

Раҳбарликка тайинлашда, фикримча, соҳанинг энг қўйи қисмида тажриба орттирган, амалдаги меҳнат муносабатлари қонунчилигини биладиган мутахассис, масалан, мактаб директори қилишга шу мактабда оддий ўқитувчилик қилиб, жамоа ва ота-оналар ҳурматида сазовор бўлган, муҳими, фаолияти давомида янгиланган ишларни интиланган, маънавий жиҳатдан барчага ўрнатилган педагогик бошқарув бўйича малака оширган педагогик тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам раҳбарлик лавозимларида поликлиника, ҚВП, энг узоқ тумандаги шифохона аҳолини ҳис қила оладиган, жойлардаги муаммолардан хабардор, соҳадаги ташаббускор инсонлар махсус тайёргарликдан сўнг тайинланса, бир неча йилдан бери ўзгариши қийин бўлаётган соҳа жонланармиди, дейман.

Хулосам шуки, ҳолатни ва имкониятни реал баҳолай оладиган, «юқори»дан кўрсатмани кутмасдан, муастакл фикрлаб, ҳаракат қила биладиган раҳбарлар зарур бизга.

Яна бир тақлифим: барча олий ўқув юрларида соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ўқув дастурларига киритилиши, бошқарув асослари фан сифатида замонавий шакл ва мазмунда ўргатилиши керак.

Ривожланган, эркин, фаровон мамлакатда яшашни барчамиз истаймиз. Бундай мамлакатни яратиш эса ўқиб, ўрганиш, масъулиятни зиммага олиш, тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнатни талаб этади. Биз ўзгаришни ўзимиздан, фарзандларимиздан, ён атрофимиздан бошласаккина эзгу мақсадларимизга етишимизга ишонаман.

Муносабат

Бугун кичик бизнесни ривожлантириш ва бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш энг долзарб масалалардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Мазкур масала шахсан давлатимиз раҳбарининг диққат марказида экани эса унинг аҳамияти нечоғли муҳимлигини англатади. Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятига қаратилган ҳар қандай тўсиқларга мurosасиз бўлиш, инвестициявий жозибдорликни оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришга бўлган эътиборни янада кучайтириш талаб этилмоқда.

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАМАСДАН

уй ва иморатларни бузишга чек қўйилиши, бу масалада депутатлик назорати кучайиши керак

Тўғри, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралганда, бугун ўз ишини юритмоқчи бўлган ташаббускорларга тўсиқ йўқ, аксинча, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш белгиланган. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Хўш, бу қулайликлар ва шарт-шароит амалда қай даражада ишляпти? Муаммолар ечим топиб, камчиликлар бартараф этилдимми? Президентимиз раислигида 2 август кунини ўтказилган йиғилишда айнан ушбу масалаларга эътибор қаратилди. Тадбиркорлик соҳасидаги тизимли муаммолар муҳожама қилиниб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.



Хайрулло РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Жорий йил 23 июль кунини ўтказилган селектор йиғилишининг мантиқий давоми бўлган мазкур йиғилишда ҳудудларда соҳани ривожлантириш борасида ишлар қандай ташкил қилингани, муаммоларни ҳал этишда қандай тўсиқлар борлиги ва уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар айтилди. Муаммоларни марказий идоралар аралашувисиз, жойида ҳал қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Кўпроқ мурожаатлар ер билан, коммуникация ва инфраструктуралар билан боғлиқ бўлмоқда. Тегшли давлат органларининг розилигини олиш керак бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд экан. Ана шундай 8 та асосий ташкилотнинг тадбиркорларнинг ҳужжатларини имзолашда бюрократияга йўл қўяётгани маълум бўлди. Битта ҳужжат оилаб ўшлаб турилиши натижасида тадбиркорнинг иши тўхтаб қолади. Ишдан кўнгли совиқди. Йиғилишда русхат бериш жараёниларини оптималлаштириш масаласи кўтарилди. Шу билан бирга, кичик саноат зоналарини ташкил этиш кераклиги таъкидланди. Чунки бундай ҳолатда тадбиркорларни коммуникация тармоқларига улашнинг 60-65 фоизи давлат бюджетидан амалга оширилади.

Шунингдек, тадбиркорлар ва жисмоний шахслардан уй-жой, ер мулкни олишда компенсация тўлаш долзарб масалалар. Бу борадаги муаммоларга, айтилик, 100 миллион сўмлик уйни паст нархга, масалан, 10 миллионга баҳолаш, ундан чиққан хомашёни ҳам ана шу маблаб ҳисобига киритиш ҳолатлари кўп учраётгани сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда эса қўнчиш учун кўрсатилган манзилда бошқа бир оила яшаётган бўлади. Уйи бузилаётганлар эса кўчада сарсон. Уйларни бузишдан олдин уни бозор нархида баҳолаш ва ана шу асосда компенсация тўлаш зарур. Пули тўланмаган объектни бузиш тақиқланади. Ваҳоланки, жойларда бунинг акси бўляпти. Буни Президент сиёсатиға қарши ҳаракат, деб баҳолаш мумкин.

Давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ватанга, халққа хиёнат, одамларнинг ҳақини ёйиш, дегани. Ҳаттоки, ана шундай қинғирликка йўл қўйган ҳокимлар, раҳбарлар халқнинг қаршисига чиқиб, кечирим сўраши кераклиги қайд этилди. Зотан, ноҳуш ҳолатларда на давлатнинг, на Президентнинг айби йўқдир. Нафсига қўл айрим қимсаларнинг хатоси тўфайли халқ қабр кўрмоқда, сарсон бўлмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиш жоиз. Биз ҳам энди юзотириқ қилиб, кимгадир гап тегиб қолмасин қабилида иш тутмаймиз. Қатъий тартиб, қўли назорат ва кескин чоралар кўришимиз шарт. Чунки эртага халқ биздан ҳисоб сўрайди. Депутат бўлишдан олдин уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ваъда берганми. Келинг, чинакамгина ана шу мақсадга бел боғлайлик. Депутатни менсимасан, унинг сўрови, мурожаатиға бепасанд қараган шахсларни кечириб бўлмайди. Демак, жойларга чиққанимизда давлат сиёсатини одамларга тўғри тушунишимиз, депутатлик ва парламент назоратини кучайтиришимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДА

Аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатларни кўриб чиқиб, самарали ҳал этиш бўйича чоралар кўриш партияимизнинг нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Замон билан ҳамқадам бўлиш, керак бўлса, ундан бир қадам илгари юриш – бугунги кун талаби. Бу сиёсий партия учун айниқса долзарб масалалар.

Мўйноқда сайёр қабул ўтказилди

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши ташаббуси билан Мўйноқ тумани «Қазақдарья» овул фуқаролар йиғини ҳудудида сайёр қабул ташкил этилди. «Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара» деб номланган тадбирда туман даражасидаги барча бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, прокуратура, МИБ, ИИБ ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида мурожаатлар қабул қилинди.

Мурожаатлар ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича ўрганилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳаллаларда ечимини кутаётган масалалар, хусусан, йўлларни таъмирлаш, электр энергияси ва сув таъминотини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан мурожаатлар тушди.

Сайёр қабулда 40 дан зиёд мурожаат қабул қилинди. Мурожаатларнинг 20 дан ортиғи ҳудуднинг ўзида ечим топадиган бўлди. Қолган мурожаатлар тегишли ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда ўрганиб чиқирилиши тўғрисида тушунирилиш берилди. Бу жараён депутатлар томонидан назоратга олинмаган бўлди.

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши
Ахборот хизмати.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЁЛЛАРГА БЕРИЛГАН АЙРИМ ИМТИЁЗЛАР

✓ **ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ВА 3 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАР** билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно.

Корхона тугатилганда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

✓ **ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИ ВА 14 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ (16 ЁШГА ТўЛМАГАН НОГИРОН БОЛАСИ) БОР АЁЛЛАРНИ** уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.



Уларни тунги ишларга жалб қилишга тиббий ҳулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.



✓ **ТИББИЙ ҲУЛОСАГА МУВОФИҚ** ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайитирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилиларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.



✓ **Аёлларга туққунга қадар 70 КҲН ва туққанидан кейин 56 КҲН** ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, нафақа тўланади.



✓ **2 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАР** аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаганида, боласи 2 ёшга тўлгунча энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилиларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади ва аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.



✓ **2 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАРГА** болани овқатлантириш учун ҳар 3 соатда бир марта ҳар бири 30 минутдан кам бўлмаган қўшимча танаффуслар берилади.



✓ **2 ЁШГА ТўЛМАГАН 2 ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг** муддати камида 1 соат қилиб белгиланади.



Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳал тўланади.



✓ **Бюджетдан молиялаштирилмаган муассасалар ва ташкилотларда** ишляётган 3 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади.



Бунда аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати учун белгиланган миқдорда тўланади.



✓ **Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола 16 ёшга тўлгунча** иш ҳақи тўланган ҳолда ойига қўшимча 1 дам олиш кунин берилади.



advice.uz

@huquqiyaxborot

Элнинг меҳрини қозонган қаҳрамонлар, суюклилар номи авлодлардан-авлодларга, тиллардан-тиллarga кўчиб яшайверади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУРБОН ХАЙИТИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Бу муборак кунларда ҳамжиҳатлик, дўстлик ва меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланади, Аллоҳ марҳамати ёғилиб, эзгу ниятлар амалга ошади.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик тантанаси арафасида нишонланаётган Қурбон хайити байрамини ҳамюртларимиз шукроналик билан қутиб олмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ улуг айёмга мамлакатимиз микёсида қизгин тайёргарлик кўрилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган oilалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни обод қилиш каби савобли ишлар давом этмоқда.

Бағрикенглик, меҳмондўстлик, кечиримлик ва саҳийлик халқимизга хос хислат. Бу инсоний фазилатлар, айниқса, Қурбон хайити кунлари янада ёрқин намоён бўлади. Шу кунларда халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли халқчил ислохотларга ҳамохан тарзда бунёдкорлик кайфияти билан яшамоқда. Ободлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга аллоҳда эътибор қаратилмоқда, турли миллат ва элатлар ўртасида тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора юксалиб бормоқда. Айниқса, халқимизнинг ислом маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, табарруқ қадамжоларни обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантириш, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур урганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар халқро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Қурбон хайити арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Ҳаж сафарини адо этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан динимиз арконларини адо этиш учун улкан шарт-шароитлар яратиб берилаётганини ҳам эътироф этиш жоиз. Маълумотларга кўра, 2016 йилда 5 минг нафар зиёратчи Ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилдан буён уларнинг сони 2 минг нафарга кўпайиб, умумий кўрсаткич 7 мингга етди. Бу йил эса 7 минг 200 юртдошимиз Ҳаж ибодатини адо этмоқда.

11 август, яқшанба тонги ўзгача фазилат... Минглаб юртдошларимиз Қурбон хайити байрамини муносиб нишонлашга шошилмоқда. Шу кун мамлакатимиздаги жомеъ масжидларида Қурбон хайити намози ўқилиб.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди ҳам эрта тонгдан юртдошларимиз билан гавжум бўлди.

Қурбон хайити намози маърузасида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, эзгу амаллар мазмун-моҳияти, бугунги тинч ва обод кунларимиз қадри ҳақида сўз борди. Инсонларга меҳр кўрсатиш, уларнинг ўй-ташвишларини ўрганиб, ахшиллиқ қилиш гоят савобли тадбирлиги, шу маънода халқимиз саодатли турмуши йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар гоят қадри экани айтилди.

Ҳаётимизга беқеъс маъно ва мазмун олиб қирган тинчлик дея аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, шукрини қилиш, асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз эканлиги таъкидланди. Зеро, бугунги кунда айрим мамлакатларнинг фуқаролари турли фитналар оқибатида ҳузур-ҳаловатини йўқотган, юз минглаб инсонлар ҳаётдан кўз юмаётгани, киндик қони тўқилган ватанини тарк этишга мажбур бўлаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳайит намозида юртдошларимиз шу кунларга етказганига шукрона айтиб, элимизга тинчлик-хотиржамлик, омонлик, қут-барақа тилаб дуолар қилди.

— Тинч, тўқин ва фаровон элга байрамлар, тўйлар ярашади, яхши кунлар татийди. Халқимиз Қурбон хайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан қутиб олаётгани ҳам юртимизнинг тинчлиги, дастурхонимиз тўқинлигидандир, — деди "Новза" жомеъ масжиди имом-хатиби Жалолиддин Ҳамроқуллов. — Нуруний отахон ва онахонлар дуога кўл очиб, бугунги саодатли кунларимизга, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтиб, хонадонларга файзу барақа тиламоқда. Юртдошларимиз ўз oilаси, маҳалласи, эл-юрти раънақи учун сиқидилдан ҳайит қилаёттир. Бу эса улуг кунларнинг янада фазилати ўтиши, зиёда бўлишига — халқимизнинг эзгу амаллари янада бардавом бўлишига умид ва ишонч бағишлайди.

Қурбон хайитини байрам сифатида нишонлаш замирида катта маъно бор. Ушбу байрам кунларида халқимиз бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатиб, қамву қариндошлар бир-бирлари билан хабарлашади. Етим-есирлар, бева-бечораларга хайру эҳсон қилишади. Бу байрам қариндошлик, кўни-қўшнилик, қуда-андалик ришталарини янада мустаҳкам бoғлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам муборак Қурбон хайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти беқеъсдир.

Шу нуктаи-назардан Қурбон хайити намозидан сўнг ҳамюртларимиз яқинлари ҳолидан хабар олиш, бир-бирини қўллаш учун йўл олди. Қурбонлик қилинаётган хонадонларга борилди. Барчанинг қалбида бир тилак: шу азиз Ватанимизга кўз тегмасин. ҳурлигимиз ва тинчлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз мангу бўлсин.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.



САМОДА МАНГУ ҚОЛГАН ЮЛДУЗЛАР

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

1979 йил 11 август... Ушбу сана ўзбек футбол тарихи саҳифаларига энг фожияли сана сифатида муҳрланди. Минскка йўл олган Ту-134 самолёти Днепродзержинск осмонида ҳалокатга учраб, «Пахтакор» жамоасининг 17 нафар навқирон футболчиси самога сочилиб кетди... Шундан бери ҳар йили 11 август кунин Пахтакор-79 футболчиларининг хотираси ёдга олинади.

1979 йилнинг 11 августида Тошкент-Гурьев-Донецк-Минск рейсида парвоз қилаётган Ту-134 самолёти Челябинск-Кишинёв рейсини бажараётган шу русумдаги бошқа самолёт билан тўқнашиб кетди... Афсуски, диспетчернинг хатоси ўзбек футболчининг фахри ҳисобланган «Пахтакор»нинг 17 нафар баҳодирини бу ҳаётдан олиб кетди.

Мазкур фожиа нафақат футбол олами учун, балки бутун ўзбек халқи учун оғир мусибаб бўлди... Футболчиларнинг oilа аъзолари билан бирга, миллионлаб футбол мухлислари узок вақт ўзларига кела олмади.

Фалокатдан сўнг ilk учрашувларга келган мухлислар кўзларида ёш, изтироб билан янги жамоа иштирокчилари ўйинларини кузатиб боришган.

Бу йил машум санага 40 йил тўлди. Шу муносабат билан «Пахтакор» клуби томонидан бир қатор тадбир дастурлари ташкил этилди.

Ўтказилган матбуот анжуманида тадбир муносабати билан Тошкентга тақлиф этилган собиқ СССР терма жамоаси аъзолари, футбол афсоналари, фахрий меҳмонлар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманга йиғилганлар «Пахтакор-79»нинг ўзига хос ўйинлари, футболчиларимиз маҳорати ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

— Ҳалокатга учраган жамоа таркибига дўстларимиз бор эди. Уларни йўқотиш биз учун оғир мусибаб бўлди, — деди «Динамо» Тбилиси жамоасининг собиқ сардори Александр Чивадзе. — Ҳалокатдан сўнг янги «Пахтакор»га қарши Тошкентдаги ilk ўйиндан олдин қабристонга бориб, бизни тарк этган яқинларимизни хотирлаб келдик. Ўйинда эса стадион тўла эди. Содик мухлислар эски жамоасини кўргани келгандек эди гўё. Биз «Пахтакор»нинг ўша йилгитлари ни нутқимиз,

11 август эрта тонгдан эса футбол фахрийлари, мухлислар, клуб раҳбарияти ва меҳмонлар «Пахтакор» стадионидан ўрнатилган ёдгорлик ёнида тўпланишди. Сўнг Боткин қабристонига йўл олди... «Пахтакор-79» ёдгорлик монументи пойга гуллар қўйилди, марҳумлар хотираси ёд этилди. Тадбирда иштирок этган меҳмонлардан бири — таниқли футболчи Василис Хадзипанагис бўлди, у ўз вақтида «Пахтакор» клубида тўп сурган, сўнг Грецияга кўчиб кетган, Грециянинг ўтган асрдаги энг яхши футболчиси саналади.

— Марҳум пахтакорчилар билан ака-укадек эдик, — дейди Василис Хадзипанагис. — Йилгитларнинг хотираси, «Пахтакор» ҳақида меннинг қалбимда барча интервьюларимда албатта ўларни эслайман.

Авиаҳалокатга 40 йил тўлиши муносабати билан «Пахтакор» клуби мазкур санага катта тайёргарлик кўрди. Жўмладан, «Пахтакор-79» хотирасига бағишлаб халқро «Хотира қанотлари» турнири ўтказилди. Марҳум пахтакорчилар номини абадилаштириш учун Тошкент кўчаларидан бирига «Пахтакор-79» номи берилди. «Осмонда абадий қолган юлдузлар ҳақида фильм» ҳужжатли фильм таъдироти ҳам бўлди. Шунингдек, Равшан Ҳақимов муаллифлигида ёзилган «Пахтакор-79» қандаш надек» номли китоби тадбир қатнашчиларига тарқатилди.

Тадбир дастурига кўра, кечки соат 19:да «Пахтакор» стадионида сажалаштирилган бадий томоша бошланди. Унда Пахтакор-79 жамоаси хотирасига атаб ишланган турли видеороликлар намойиш этилди, қўшиқлар янгради, 17 футболчининг раъсий тимоси сифатида 17 қабурот осмонга учирилди. Дарвоқе, кизик бир факт: «Пахтакор» стадиони айнан 11 августда очилган экан...

Шу кунин стадионда қўллаб фахрий меҳмонларни учратиш мумкин эди:

Тулаган Исоқов (собиқ пахтакорчи, айни вақтда ЎФА қошидаги Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари):

— Ўша мудҳиш воқеа футболчилар ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Тасаввур қилинг: қутилмаганда яхши бир кадрдон дўстингиздан айрилиб қолдингиз. Оғир-а, мен эса бир кунда 17 та шундай дўстимдан айрилганман. Бизнинг яқинлигимиз фақат майдонда эмасди, oilавий борди-қелдимиз, дўстлигимиз бор эди... Жамоамиз аъзолари билан бир oilадек бўлганмиз.

Мен футболдан кетдим, ўша вақтда ҳатто Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов чакриб, футболда қилишимни сўрагандилар, аммо мен аҳолимини тушунтирдим. Рухим буткул синган эди, базага бораман, ётаман, кўзимга фақат улар кўринади... Улар йўқ...

«Пахтакор-79» жамоаси бошқача эди, миллитидан қатъи назар, ўзбекиона тарбия кўрган, жамоага садоқатли, истеъдодли йилгитлар йиғилганди, ўзаро аҳил, яхши жамоа шаклланаётганди. Бу фожиа футболчимиз ривожини бир неча ун йилларга орта суриб юборди, деб бемалол айта олам.

Аҳбор Имомхўжаев (фахрий спорт шарҳовчиси):

— «Пахтакор-79» жамоасини эсласам, ҳанузга қадар кўксимда бир оғрик пайдо бўлаверади. Барибир, улар бошқача эди-да, ҳар жиҳатдан намуна бўлишга, эъзолашга аризулик йиғитлар эди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси мен учун oilам аъзоси каби қадрдон бўлган.

Михаил Ан билан ilk бор қўришганимда у мактаб-интернатнинг 9-синфига ўқиётган ўсмир эди. Кейинчалик Миша билан қалинлашиб кетдик, қарога бормасин, сафардан бирон соғва билан қайтиб келарди. Укамдек қадрдон эди...

Авиаҳалокатдан сўнг «Пахтакор»га иттифоқнинг турли командаларидан футболчилар тақлиф этилди. Очилди, уларнинг ҳаммаси ҳам жамоа учун жон кўйдириш мақсадида келмаганди, ўзига яраша манфаатлар қўланганди. Хуллас, марҳум пахтакорчиларнинг ўрнини тўлдиршилолмади.

«Пахтакор»нинг фожияси бутун ўзбек футболни учун нихотда катта зарба бўлди. Бу бўшлиқнинг ўрнини тўлдирish учун неча йиллар керак бўлди бизга. Улар ҳаёт бўлганда ҳозир бири мураббий, бири ҳакам, яна бири футбол жон

куяри бўлиб юрарди, ахир.

Баҳодир Каттабеков («Пахтакор» жамоасининг 54 йиллик мухлиси): — Беш ёшимдан «Пахтакор»га мухлислик қилман. Илк бор стадионга отам билан келганман. Шундан бери «Пахтакор»дан айрилмайман, ҳеч бир ўйинини қолдирмайман. «Пахтакор»ни бутун Ўзбекистон яхши кўрарди. Ўйинларига ҳар бир вилоятдан мухлислар узок йўл босиб келишарди.

1979 йилнинг 11 августида содир бўлган фожиадан эсанираб қолдик, ўзимизни қўярга жой тополмасдик... Ишқибозлик завқини биладиган инсон қадрдон жамоасининг фожияли ҳалокати нечоғли оғир бўлишини тасаввур қилиши мушкул эмас. Ўзбекистондан яна эур жамоалар чиқишига умид қилман, аммо ўша ҳалокатга учраган футболчилар юртимизнинг бир парчасини ўзлари билан олиб кетишган.

Бадий дастурдан сўнг «Пахтакор» фахрийлари ва собиқ СССР терма жамоаси аъзолари ўртасида ўртоқлик ўйини бошланди.

«Пахтакор» жамоаси таркибиде Мурод Алиев, Фарҳод Магомедов, Исроҳ Аҳмедов, Нўрмон Ҳасанов, Игорь Шкварин, Азамат Абдураимов, Жасур Абдураимов, Илҳом Шарипов, Жаъфар Ирисметов, Равшан Бозоров, Олег Собиров, Александр Хвостунов, Сергей Лебедев, Бахтиёр Ашурматов, Павел Бугало, Сергей Лушан, Қайрат Утабоев, Гоча Текубчава, Миржапон Қосимов, Нуриддин Амриев, Юрий Курбико, собиқ СССР терма жамоасида Отар Габелия, Қуралбек Ордабаев, Владимир Бессонов, Алексей Михайличенко, Александр Заваров, Валез Хидиятуллин, Валерий Кечинев, Валерий Шмаров, Дмитрий Кузнецов, Андрей Пятницкий, Владимир Гудзев, Александр Чивадзе, Андрей Канчельскис, Василис Хадзипанагис каби ўтмишнинг ёрқин юлдузлари иштирок этишди.

Учрашувда Азамат Абдураимов, собиқ СССРдан Игорь Беланов ҳет-трикка эришди. Равшан Бозоров ва Дмитрий Кузнецов ҳисобига эса биттадан гол ёзилди. Яқуний ҳисоб 4:4 билан яқунланди.

...

Вақт барча дардин даволайди, деган гап бор. Лекин ҳаётда оғир дардин бошдан кечирган инсонлар бундай эмаслигини яхши билишади. Фақат инсон шу дард билан яшашга ўргана бошлайди, қўнади, тадбирга тан беради, аммо қалбидаги жароҳатлар изи сира калмайдми. «Пахтакор-79» ишқибозларининг изтироблари ҳам ўчмасди.

«Пахтакор-79» жамоаси клубга, мухлисларга, футболга садоқат, жисмоник раъсий сифатида тарихда қолди.

Бугун стадионда қўллаб ёшларни, жажжи болаларни ҳам қўриш мумкин эди, улар «Пахтакор-79» футболчиларининг суратлари туширилган баннерларни баланд кўтариб, уларга ҳурмат кўрсатишмоқда, «Пахтакор», «Пахтакор», дея севимли жамоаларини чин дилдан оқийлашмоқда. Бугунги ёш авлод «Пахтакор-79» жамоаси ўйинларини ҳапто телевизор орқали ҳам кўрмаган, уларга мухлислик қилмаган, фожиа аламлари нима эканлигини ҳам билишмайдми. Аммо улар ўз oilалари, ёш қатта мухлислардан жамоа ўйинлари, ҳалокат ҳақидаги хотираларини эшитиб қатта бўлишди. Уларнинг болалари, oilалари, «Пахтакор-79» ҳақида шундай меҳр билан сўзлашадики, ёш авлод ҳам бугун жамоанинг чин мухлисларига айланган. Шундай. Юртининг элнинг меҳрини қозонган қаҳрамонлар, суюклилар авлодлардан-авлодларга, тиллардан-тиллarga кўчиб яшайверади, вақт изми улар хотирасини ўчира олмайдми.

Дилдора Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ

бугун бошқача чирой, жожиба ва шуқуҳга эга

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бири-биридан гўзал байрам шодиларини устидан қикисиз, одамларнинг шодлиғи қувончларига шерик бўласиз. Аммо шу кунларда пойтахтимиз — Тошкентга келмабсиз, шаҳарнинг қоқ марказидаги Сайилгоҳда бўлмабсиз, дунёга келмабсиз. Бу йил Тошкент эрталабдан кечгача турли хил томошаларга, концертларга, кўрик-танловларга бой бўлмоқда. Айниқса, пойтахтимиз оқшомларининг жожибаси, ранг-баранглиги, қувончи, ҳажжонлари ўзгача бўлмоқда. Пойтахт аҳли ҳеч қачон бундай шуқуҳли, ранг-баранг тадбирларни кўрмаганди.

Агар Тошкент курачлари томонидан келсангиз, Матбуотчилар уйи рўпарасидан ўтиб, Зарафшон ресторанига яқинлашингиз биланқоқ байрамона безатилган кўча ва майдонларга кўзингиз тушади. Пойтахт савдо маркази ортига ўтсангиз, эрталаб оланига тушиб қолгандай бўласиз.


Август ойи бошидан Сайилгоҳда тантанали, кўнглочар тадбирлар ўтказилмоқда. Республика туризм қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Миллий таомлар» фестивали ҳам ўтказилмоқда. Мустақиллик метросидан чиқишингиз билан қулонингизга куй-қўшиқлар чалинади, беҳитиёр қўшиқ овози келётган томонга шошасиз. Биз ҳам иходий гуруҳимиз

билан шошилдик ва жараёнини кўриб ҳайратда қолдик. Майдонга кириб борар экансиз, ранг-баранг безаклардан кўзингиз қамашади. Музаикой дўхонларига дуч келасиз, иштахангиз очилади. Атроф-муҳитни кузатар экансиз, турли-туман тадбирларга дуч келасиз. Бир кўчани сайр қилиб, иккинчи кўчига ўтишингиз билан сизни мультфильм ва кино «қаҳрамонлари» қутиб олади, кайфиятингиз янада кўтарилари.

Ўзбекистон Республикаси туризм қўмитаси қошидаги миллий медиа маркази маркетинг ишлари директори Жамиди Бобожонов шундай дейди: — Бу тадбирга икки ой давомиде тайёргарлик қўрдик. Сайлгоҳ майдонини кенгайтириш учун учта кўчани ҳам қўшиб олдик. Ҳар кун бу оғра таҳминан йигирма минг киши келмоқда. Миллий таомлар кўргазмаси, совғалар савдоси, музаикой сайли каби тадбирлар ўтказилмоқда, концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

— Биз Ўзбекистон ошпазлар уюшмасиданмиз, — дейди чинчи даражали ошпаз Салоҳиддин Назармухаммедов. — Фестивалда 30 нафар асп ошпазларимиз турли миллий таомларимизни тайёрлаяпти. Мана, кўриб турганингиздек, ош, лағмон, шўрва, манти каби суоқ ва қуоқ таомларимиз бор. Таомларимизни, айниқса, хорижлик меҳмонлар қизиқиб тановул қилмоқда.

Томоша майдониде янграётган хоразмча куй-қўшиқ



ҳамманинг завқини келтирди, миллий кийимлардаги кизларнинг шўх рақсларига томошабинлар ҳам қўшилиб кетишди.

— Шўрва одатда мол ёки қўштиндан тайёрланади, — дейди Испаниянинг Барселона шаҳридан келган меҳмон Эван Менчанс. — Ҳар бир байрамингиз, ҳар бир тадбирингизнинг ўзига яраша шуқуҳ бор. Мена, айниқса, пойтахтингиз Тошкент ва албатта қадимий шаҳарларингиз жуда ҳам ёқарди.

Бугун «Таомлар» фестивалида намойиш этилаётган миллий таомлар хилма-хиллиги кўзни қувонтиради. Бу каби фестиваллар миллатингиз табиятига хос, деб ўйлайман. Ўзбекистондаги меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, аҳиллик ҳавас қилса арзийди.

Ҳа, меҳмон таъкидлаган бу фазилатлар халқимизнинг миллий қадриятлари ҳисобланади. Бугун пойтахтимиздаги Сайилгоҳда ўтказилаётган тадбирлар ҳам урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг намойишидир.

Биз асосий сахна томон юрамиз. Ёш истеъодлардан тортиб, таниқли санъаткорларгача хизмат қилмоқда. Қўшиқлар янграмоқда, одамлар рақсга тушмоқда, қувонмоқда...

Умиде НИШОНОВА,
ЎЗЖОҚ талабаси.

Орамиздаги одамлар

БИЗНИНГ НОСИР АКА



Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ёши бир жойга бориб қолганда ҳам тиниб-тинчимайди, доим елиб-югуради. Кимгадир ёрдам бергиси, муаммолар ечими ҳақида фикр айтгиси келади. У ана шу хатти-ҳаракатидан мазмун топади, куч олади. Одамларга кераклигидан руҳланади.

ЎзХДПнинг фаол аъзоси, 20 йилдан буён жамоатчилик асосида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарида таржимонлик қилиб келатган ҳамкасбимиз Носир Тоиров ана шундай гайратли, фидойи инсонлардан.

Носир ака ҳар сешанба кун таҳририятга келиб, ўзбек тилидаги мақолаларни «Голос Ўзбекистана» газетаси учун таржима қилади. Шу ўртада дўсту қадрдонлари билан суҳбатлашиб, хуш кайфият билан уйга қайтади.

Уйда эса бадий таржималар билан шуғулланади. Ўзи ҳам шеър машқ қилиб тургани учун шоирлар ижодидан кўнглига яқинларини таржима қилади. Ҳатто улуг шоиримиз Абдулла Ориповдан рұхсат сўраб, айрим шеърларини рус тилига таржима қилган.

Носир ака ёшлигидан журналистикага меҳр қўйган. У Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўқиб, юрган кезларида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида институт ҳаётдан турли материаллар ёзиб турган. 1969 йилда институтни тугатар чоғда газета Бош муҳаррири Саъдулла Кароматов Носир Тоировни таҳририятга ишга жўнатишларини сўраб, институт раҳбариятига хат йўллайди. Ўша пайтда мактабларда тегишли ўқитувчи қадрлар етишмаслиги боис, бу хат инобатга олинмайдми ва Носир Тоиров мактабга ишга юбориларди.

Бирок қареда ишлашдан қатъи назар, Носир ака матбуотдан ўзрилиб қолмади. «Ўқитувчилар газетаси», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Комсомолец Ўзбекистана», «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» газеталари ва турли журналларда унинг мақолалари мунтазам равишда чоп этиб келинди.

Носир Тоиров ўтган йиллар мобайнида Тошкент вилояти давлат бошқаруви идораларида масъул вазифаларда ишлади, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янги ташкил этилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ишга тақлиф қилинди. Мустақил Ўзбекистондаги биринчи сиёсий партия — ЎзХДПнинг мақсад ва голларини тарғибот қилиш ишларида фаол қатнашди.

Партиядан сайланган депутатлар фаолиятини ОАВда кенг ёритиш, партия қурултойлари ва Марказий Кенгаш пленумлари материалларини рус тилига таржима қилиб, матбуотда эълон қилинишида унинг ҳиссаси катта бўлди.

— Тўғри, мен шоир ёки ёзувчи бўлмадим. Лекин адабиётга қизиқиман ҳеч қачон сўнмаган, вақт-вақти билан у-бу нарсаларимнинг вақтли матбуотда чоп этилиши, қўллаб адиблар билан мулоқотда бўлишим мени бир умрга адабиёт олами билан боғлаб қўйди, — дейди қамтарлик билан Носир ака. — Таржимонлик билан ёшлигимдан шуғулланаман, пенсияга чиққан бўлсам ҳам, ҳозиргача «Голос Ўзбекистана» газетаси билан ҳамкорлик қилиб келаяпман. Бу менга куч беради, иш қанчалик масъулиятни талаб қилишидан қатъи назар, мен учун жуда завқли. Таржимонлик иши қийинлигини яхши тушунаман. Бунда нафақат адабий тили, балки техника тилини, атамаларни ҳам билиш, энг муҳими, таржима қилинаётган асарнинг мазмун-мақсади ва руҳини сақлаб қолиш керак. Айни чоғда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш талаб этилади. Базми бир асарларни ўзбек тилидан рус тилига ўтирганман, парчалар таржима қилганман, лекин бу ҳақда гапиришга ҳали эрта, деб биламан...

Носир ака юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўзини дахлдор деб билади, ана шу жараёнларда иштирок этишдан завқ олади, қувонади. Бу ибратли умр, албатта, ҳавас қилдиган умр...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Вилоят иқтисодий судининг қарори келса, унинг ижроси таъминланади».

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ ДИҚҚАТИГА!

ТАДБИРКОР ЎЗИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛАЯПТИ

Наманган шаҳар ҳокимлиги нимани истаяпти?

Тахририятимизга Наманган шаҳар, Оромгоҳ кўчаси 5-уйда жойлашган «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» масъулияти чекланган жамиятидан шикоят аризаси келиб тушди. Унда баён қилинишича, шаҳар ҳоқими ва унинг ўринбосари жамиятга тегишли бўлган, қонуний ҳисобланган 49 фоиз улушни, яъни 242 миллион 547 минг 363 сўм пулни ҳар хил йўللار билан тан олмай, қонунга зид ҳаракатлар қилмоқда, бу жамиятни муассисликдан четлаштирмоқчи...

Ушбу шикоятда келтирилган фактларга ишониб-ишонмай Наманган шаҳрига йўл олдик. Ахир, биринчи навбатда ҳокимлар тадбиркорни қўллаб-қувватлаши керак эмасми? Иш ўрни яратадиганлар айна тадбиркорлар-ку. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Якабоғ туманида тадбиркор ва туман ҳокими ўринбосари ўртасида содир бўлган уятли воқеа бошқа ҳокимларга сабоқ бўлиши керак-ку.

Кўп бор таъкидланганидек, тадбиркор ўзининг бола-чақасидан қийиб, тўплаган пули, мол-мулкни янги иш ўрни очишга сарфлайди. Банктан кредит олса, уни ҳам фоизи билан ўзи тўлайди. Унга ҳеч қим ҳар 15 кунда бюджетдан аванс ёки ойлик бермайди. Тадбиркор ўзини ўзи эплатиш учун ҳузур-халоватдан кечиб, бор имконияти ва маблагини сарфлаб, кеча-ю кундуз жонини жабборга бериб ишлайди, нафақат ўз оиласини, балки эл-юртни ҳам боқади.

Шу боисдан ҳам Президентимиз томонидан улар меҳнатига юқори баҳо берилмоқда: «Тадбиркор бу ҳақиқий фидойи инсон. Шахсан мен бундай инсонларни, иккитагина янги иш ўрни яратган тадбиркорни бошимга кўтаришга тайёрман»;

«Тадбиркор йўлига қарши чиқиш давлат сиёсати, Президент сиёсатиға қарши чиқишдир».

Шу каби ўй-фикрлар билан Наманган шаҳрига етиб келдик.

Шикоят аризасида келтирилган телефон рақамида кўнгирак қилдик. «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» масъулияти чекланган жамиятининг адвокати Лазизхўжа Тургунов гўшакини кўтарди. У аввало, жамиятни ташкил этган ва минглаб одамларни иш билан банд бўлишига, қанчалаб оилаларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмати синган инсон билан суҳбатлашиб кўришимни айтди.

— Анча йиллардан бери қурилиш материаллари соҳасида тадбиркорлик қилиб келаман, — дейди Шамсиддин Говсиддинов. — Тўққиз-ўн йил олдин қурилиш материаллар дўконлари шаҳарнинг бир қанча жойларида бетартиб жойлашгани учун одамлар ўзларига керак бўлган қурилиш материалларининг бирини шаҳар марказидан олса, иккинчиси учун шаҳарнинг бошқа бир четига боришарди. Шунда мен «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бўлган бино ва ер борлигини ҳисобга олиб қурилиш материаллари бозорини ташкил этишни мақсад қилиб, керакли ташкилотларга мурожаат қилдим.

2009 йил 6 августда қабул қилинган «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури» тўғрисидаги қарор туфайли ишларим юришиб кетди. Шаҳарда кенг қўлмалли қурилиш ишлари бошланганлиги сабабли, қурилиш материалларига эҳтиёж кескин оша бошлади. Шунини ҳисобга олиб, «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ шаклида бозорни ташкил этдик. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бозорнинг Низом жамғармасидаги 51 фоизлик улуш жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига тегишли бўлиши лозим эди.

Шундан сўнг «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» масъулияти чекланган жамиятимизга тегишли бўлган 4.19 гектар ерни 2011 йилда Наманган шаҳар ҳокимлиги захира ер фондида бозор ташкил этиш учун топширдим. Ерни топширганимдан сўнг Наманган шаҳар ҳокимлиги ва «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ томонидан «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» савдо комплекси МЧЖ ташкил этилди ва унинг устав фонди қуйидагича тақсимланди: Наманган шаҳар ҳокимлиги — 4.19 гектар ер (252 миллион 447 минг 256 сўм), яъни 51 фоиз улуш билан, «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ бўш турган бино, 14,6 куб метр ёғоч (қиймати 17 миллион 543 минг 363 сўм) ва 750 минг килограмм цемент (қиймати 242 миллион 547 минг 363 сўм), яъни 49 фоиз улуш билан бозорнинг устав фонди шакллантирилди.

Шу тариқа ўзим орзу қилган қурилиш молларига ихтисослаштирилган бозорни ташкил этдим. Бозорда жойлашган беш юздан ортиқ савдо шохбачаларини ўзининг маблагим ҳисобига қуриб, тадбиркорлар савдо қилиши учун уларга текинга бердим. Улардан фақат ҳар ойда бир марта ижара ҳақини олиб, давлат газнасига ойига 500-540 миллион сўм топширдим. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар битта савдо шохбачасида биттадан тадбиркор бўладиган бўлса, тадбиркор ўзига ёрдамлашиш учун яна икки нафар ишчини ёнига олган. Шунда ўрта ҳисобда тадбиркорнинг ўзи билан уч нафар одам ишли бўлган. Энди 3 нафар ишли одамни мингга кўпайтирсак, уч минг нафарни ташкил этмоқда. Уч нафар ишли одамнинг оила аъзолари ўрта ҳисобда ўзи билан 4-5 нафарни ташкил этса, 10 мингдан ортиқ оиланинг бугун қора қозони қайнаб турибди. Мен нима демоқчиман, 4.19 гектар еримни ҳокимият ҳисобига ўтказиб, бозор ташкил этганим, одамларга фойдам текканидан фахрланаман...

Бироқ шунча қилган меҳнатимни Наманган шаҳар ҳокими Шавкат Абдуразақов ва унинг ўринбосари Улуғбек Холиқов саробга айлантirmoқчи бўлаётгани алам қилади.



Улар мени қонуний ҳисобланган «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖдаги йиллик 49 фоиз улушини тан олмасдан бекор қилиб, жамият таъсисчилигидан чиқариб юборишмоқчи. Улар мансаб ваколатидан фойдаланиб, бир қанча ишларни амалга оширишди. Икки йил олдин «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖга мен раҳбарлик қилган бўлсам, ҳозир эса ҳоким ва унинг ўринбосарининг одамлари раҳбарлик қилмоқда. Улар мени ўз айбини яширибди, деб ўйлашмасин, очик айтман, 2016 йилнинг декабрида бозорларга текширувчилар келди. Шунда कामомад чиқиб қолди. Камомад қаердан келиб чиққанлигини аниқлаш ва уни тўлаш билан боғлиқ ишлар билан овера бўлиб юрган-нимда Наманган шаҳар ҳокими бўлиб Шавкат Абдуразақов келибди. Чиққан कामомадларни тўлаб, ишни ёлиб келсам, бозорда янги раҳбарни таъинлаш билан боғлиқ ишларимиз тан олиндишени сўраб, Наманган туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилдик. Суд ишни адолатли кўриб чиқиб, бизнинг фойдамизга қарор чиқариб берди.

Шунда ҳам ҳоким ва унинг ўринбосари, бозорнинг янги раҳбарияти ҳар хил вақларни келтириб, вилоят иқтисодий судига мурожаат қилишмоқда. Суд эртага ўтказилиши белгиланган. Келишингиз суд бўлиши-

га тўғри келибди. Сиз ҳам ушбу очик судда қатнашсангиз. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини суд жараёнида билиб олардингиз. Шундан сўнг суҳбатимизни давом эттирардик...

Эртаси куни эрталаб вилоят иқтисодий судига етиб бордик. Наманган вилоят иқтисодий судининг судьяси Алишер Абдураҳмонов раислигида даъвогар — «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг — жавобгар Наманган шаҳар ҳокимлиги, қўшимча жавобгар — «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖларнинг «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖнинг 28.06.2019 йилдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топши тўғрисидаги даъво аризасини ҳамда «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖни «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ таъсисчилигидан чиқариш тўғрисидаги шикоятини кўриб чиқди.

Ушбу очик суд мажлисида қуйидагилар маълум бўлди:

Аниқланишича, Наманган шаҳар «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фонди 494.994.619 сўм миқдорига белгиланган бўлиб, шундан Наманган шаҳар ҳокимлиги 252.447.256 сўм (51 фоиз), «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ 242.547.363 сўм (49 фоиз) этиб тақсимланган. «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ 2019 йил 28 июнь куни навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиб, «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖни жамият таъсисчилигидан чиқариб юборган, «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» номи «Наманган барака қурилиш моллари савдо комплекси» МЧЖ

«Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ 2019 йил 17 июнь куни 38-сонли хати билан «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖнинг йиғилиш кун тартибига жамият таъсисчилигидан чиқариб юбориш тўғрисидаги масаласи ноқонуний ва жамият манфаатларига зид бўлганлиги сабабли бу масалада келиша олмаслигини маълум қилиб, кун тартибига гайриқонуний масалалар қўйилганлиги сабабли 2019 йил 28 июнь куни жамиятнинг навбатдан ташқари йиғилишига бормаган.

Бироқ йиғилиш ўтказилиб, «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ жамият таъсисчилигидан чиқариб юборилди, жамиятнинг номи «Наманган барака қурилиш моллари савдо комплекси» МЧЖ деб ўзгартирилди. Ҳокимиятнинг жамият уставидаги 4.19 га ер майдони қайта баҳоланган, «Наманган барака қурилиш моллари савдо комплекси» МЧЖнинг баланси тасдиқланиб, устав фонди 33.750.000.000 сўм қилиб белгиланди.

Судда «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖнинг навбатдан ташқари йиғилиш қарори таъсисчи «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиддий равишда бузганлиги, жамият Низомини ва амалдаги қонун талабларига зид равишда қабул қилинганлиги боис ҳақиқий эмас, деб топилган.

Наманган шаҳар ҳокимлиги қарши даъво аризасида «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ ўзининг 49 фоиз улушини «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фондида киритмаганлиги, жамиятнинг навбатдан ташқари ўтказилган

йиғилишларига келмаганлиги, бундан ташқари, ҳар хил идораларга ариза ва шикоят билан мурожаат қилиб, ўзининг ушбу хатти-ҳаракати билан «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖнинг фаолиятини қийинлаштираётганлиги учун уни жамият таъсисчилигидан чиқаришни сўраган.

«Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖдаги 49 фоиз улуши борлиги таъсисчиларнинг 31.10.2011 йилдаги 2-сонли қарори, Наманган вилоят адлия бoshқармасининг ҳулосаси, жамиятнинг ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани қаноатлантириди, қарши даъво аризани рад этди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Наманган шаҳар ҳокимлиги 2019 йил 17 май куни «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖга жамият устав фонди шакллантирилганлиги сабабли жамиятни қайтадан ташкил этиш, шакллантирилган улушини учинчи шахсларга ўтказиш тартибини белгилаш, ҳокимият томонидан киритилган улушни қайта баҳолаш ва бошқа ташкилий масалаларни кўриб чиқиш учун жамиятнинг навбатдан ташқари йиғилишини 20 июнда ўтказиш ҳақида талабнома юборган.

«Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ 20 июнь куни соат 17:00 да ўтказилиши режалаштирилган таъсисчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишидан хабардор этилган.

Белгиланган куни йиғилишда «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг иштироки таъминланмаганлиги сабабли йиғилиш 28 июнга қолдирилган.

Суд яқунланганидан сўнг шаҳар ҳокимининг фикри билан қиздик.

У масаладан хабари борлиги,

ҳокимлик масъул ходимлари «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ ўзининг 49 фоизлик улушини шакллантирмаганини айтишгани ва ҳоким бу масалани қонуний йўл билан ҳал қилинишини ходимларга тушунтиргани, шу боис судда даъво ариза қўрилаётганини айтди.

— Кеча бўлиб ўтган судда биз ҳам иштирок эдик. Судда «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фондидаги ўзининг 49 фоиз улушини тўлиқ шакллантирилганлигини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берди ва суд унинг фойдасига қарор чиқарди. Бундан хабарингиз борми?

— Бу ҳақда менга ҳеч қим хабар бермади. Суд олий орган ҳисобланади. Суднинг қарори келса, унинг ижроси сўзсиз таъминланади.

— Агар кўнглингизга олмасангиз, яна бир савол берсак бўладими?

— Бемалол, қўлдан келганча жавоб беришга ҳаракат қиламан.

— Суднинг қарори келса, унинг ижроси сўзсиз таъминланади, деддингиз. Вилоят иқтисодий судидан олдин бу ишни туманлараро иқтисодий суди ҳам кўриб, МЧЖнинг фойдасига қарор чиқарган экан. Унинг ижроси нима сабабдан таъминланмай, вилоят иқтисодий судига мурожаат қилинди?

— Туманлараро иқтисодий судидан сўнг масъул ходимларимиз бу ишни вилоятда кўришимиз лозим, қўлимизда бир-иккита асосли фактларимиз бор дейишди. Шундан сўнг вилоятда бу иш кўрилди.

— Вилоят иқтисодий судининг қарори келган вақтда яна масъул ходимларингиз асосли фактларимиз бор дейишди, республика иқтисодий судига ҳам мурожаат қилинадимми?

— Сизга суҳбатимиз бошида ҳам айтдим, суднинг қарори келса, унинг ижроси таъминланади. Шу каби савол-жавоблардан сўнг ҳоким билан суҳбатимиз ҳам якунланди ва сафаримиз сўнгидеги Шамсиддин ака билан яна учрашдик.

— Вилоят суди қарорини тан олишса, майли эди, — деди у хўрсиниб. — Ёшим 70 дан ошааяпти. Судлашиб, вақтим, соғлигим кетаётганига ачинаман. Ҳокимлик туманлараро иқтисодий суди қарорини тан олганида бу оворагарчиликлар бўлмасди. Лекин мақсад бизни четга чиқариб, ўзлари мулкка эгалик қилишмоқчи. Энди қариган чоғимда бу ташвишлар одамга оғирлик қилар экан. Кўпчилик яхши билади, бу бозорни қанча қийинчилик билан ташкил этганимни...

— Мен бу бозорга биринчилардан бўлиб келганман, — дейди Сотволди Абдуллаев. — Ўшанда Шамсиддин ака менга ўзи қурган дўконлардан бирини берганди. Олдинига битта дўконни олиб ишлатдим. Сўнгини аста бошқа дўконларга ҳам тадбиркорларни жалб қила бошладик. Бора-бора дўконлар сони ҳам, тадбиркорларнинг сони ҳам кўпайди. Энг асосийси, аҳолини ўргатдик. Баъзи бир бозорлар бор, у ёққа аҳоли бормади. Аҳоли бормаган жойда тадбиркорлик қилиб бўладими? Шу боисдан ҳам бу бозорни бозор қилгунча Шамсиддин ака қанча елиб-югурди. Бўлаётган ишлардан хабаримиз бор. Биз бир нарсая дея олмаймиз. Бу катталарнинг иши. Аммо Шамсиддин ака бозорга раҳбарлик қилганида ҳамма жой тоза-ораста эди. Эндиги аҳолини қаранг, қайга боқманг, қичқиндаги кўзингиз тушади. Савдо дўконлари орасидаги бетонлар кўчиб қолган, бозорнинг атрофидида арча ва бошқа манзарали дарактлар сувсизликдан қуриб бошлаган. Ҳозирги раҳбарлар бунга эътибор бермаяпти. Чунки улар экиб, парвариш қилмаганда, жони ачинадими. Бозорни бозор бўлишида бир шик қўймаган улар...

Хизмат сафаридан қайтиб, кўп саволларга жавоб изладик.

Бу бозорни Шамсиддин ака ташкил этганини кўпчилик яхши билади. Унинг устав фондида 49 фоиз улуши борлиги қатор ҳужжатлар билан тасдиқланиб турибди. Бозор фаолиятини тақомиллаштириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига Наманган шаҳар ҳокимлиги нимани истаяпти? Нега йўқ жойдан муаммо ясааяпти? Шунчалик соддалик қилишганини ёки бошқа нияти борми?

Бу саволларга тегишли идоралар аниқлик киритади, деб ўйлаймиз...

Тошметир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

«Фахрий фуқаро»

мақомини бериш тартиби тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди



Қарорга кўра, ушбу мақом иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция киритган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

Ушбу мақом Президент ташаббуси билан берилиши мумкин.

Бунда қарор Сенат томонидан қабул қилинади, гувоҳнома эса Сенат раиси томонидан имзоланади ва топширилади.

Агар ушбу ташаббус давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан берилган бўлса, қарор тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Ушбу мақом Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос ҳисобланмайди.

Ҳужжат ҳақидаги тўлиқ маълумот билан www.lex.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Тунги вақтда

соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осийишталиги ва нормал дам олишини бузиш жарима солишга сабаб бўлади



- баланд овоз билан қўшиқ айтиш;
- мусиқа чалиш;
- товуш сигналлари бериш;
- хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшиклариде, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприймниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш;

— турар жой биналарида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмаган ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, машиный шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш.

Фуқароларга 74 333 сўм, мансабдор шахсларга эса 111 500 сўмгача маъмурий жарима солишга сабаб бўлади.

Қуйидаги ҳолатларда

автомобиль йўллариде ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш мумкин



- ноқулай об-ҳаво-иқлим шароитларида;
- табиий офатлар юз берганда;
- ёнгинлар юз берганда;
- автомобиль йўли қўтариш қобилиятини йўқотганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда;
- таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда.

Бунда йўл ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига билдирган, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилган ҳамда тегишли белгилар ўрнатган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклайди ёки тақиқлайди.

Мактабларда ўқувчиларга

тиббий хизмат кўрсатиш учун тиббиёт муассасалари томонидан тиббиёт ходимлари бириктирилади

— Тиббиёт ходимлари мактаб раҳбарияти ва педагог ходимлар билан бир қаторда даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этиш, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш, оқватланиш режими ва сифатига, ўқувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш учун масъулдирлар.

— Бунда мактаб раҳбарияти томонидан тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар (махсус жой, мебель ва тиббий жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар) яратиб берилиши зарур.

Адлия вазирлигининг телеграммдаги «Huquqiy axborot» канали.

Қадимий Шаҳрисабз шаҳрини обод қилиш, марказий кўчаларини тузаш, юзлаб кўп қаватли бинолар, савдо, маиший хизмат шохобчаларини қуриш муҳим вазифалар эди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида Қамаш туманининг Ёртепа ҳудудида бўлган кучли зилзила атрофдаги туманларнинг биноларига ҳам катта зарар етказган эди. Яккабоғ шаҳридаги бир мактабнинг эски спорт зали деворлари қулаб тушгани ёдимда. Қарангки, Шаҳрисабз туманидаги «Шовкан» қишлоғида етмишинчи йилларнинг охирида қурилган кўш қаватли уйлар, 32-мактаб, болалар боғчаси, ҳўжалик идораси бинолари деворига бирорта ҳам дарз кетмабди. Уларни машҳур бинокор Олимжон ака Комилов бригадаси қурган экан. Биз у кишининг шоғирдларидан бири бугун қураётган бинолар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

...Бу бино билан таниша бошлаганимда, аввал ҳайратландим. Кейин эсимга қадимий Қурия давлати ҳақида ҳикоя қилувчи кўп қисмли бадиий фильм тушди. Унда оддий рақосадан тугилган ҳукмдорнинг бешинчи ўғли табиат бағрида улғайиб, кўп илмларни мустақил эгаллайди. Бод касалига учраган подшо — отаси ётадиган хонанинг оёқ остини ташқаридан ўт ёқиб, иситиладиган қилиб беради. Бу воқеага қарийб минг йиллар бўлган экан.

Бугун Жанубий Корея жаҳоннинг тараққий этган давлатларидан бири — юртимизнинг яқин ҳамқори. Мен кўздан кечираётган ушбу бино шу мамлакатнинг намунавий лойиҳаси асосида қуриладиган болалар мактабига таълим муассасаси экан. Пол иситилар экан, бошқа қўллаб қўлайликлар бор.

— Иккинчи қаватга ҳам чиқинг, — дейди ҳамроҳим — **Яккабоғ туман ҳокимлигининг бош мухтасассиси Собир ака Арплов.** — Зиналар, эшик-даразалардан бирор қўрс топа олмайсиз.

— Мен қурилушлар ҳақида кўп ёзганман, — дейди ҳамроҳим — **туман газетаси муҳаррири Бозоржон Азизов.** — Бинокорлар бошқа тумандан бўлгани боис, ушбу иморатни бир неча бор келиб, қўриб кетдим. Биттаг, эринмай, барча ишларини «тафтишдан» ўтказдим. Кўнглим тўлди. Қани энди, бошқалар ҳам шундай ишласа.

— Рост, 120 болага мўлжалланган бу муассаса биноси қурилишини ким олиб боради, қандай бўларкин, деб чўчиганимиз, тан олади **туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Матлуба Рўзиева.** — Йўқ, қурувчилар меҳнатини қўриб, хавотиримиз тарқаб кетди. Мана қаранг, болалар дам олиши, ўйнаши, овқатланиши, ўқиб-ўрганиши учун барча шароит ҳозирланган. Ошхона табиий газга уланган. Ҳаво айланиши, санитария тизими соз. Барча хоналарга кузатиш камералари ўрнатилган. Қурувчилар, уларнинг раҳбари Жамол акадан розимиз. Бу ташкилот ҳозир туманимизда янги ёпиқ сув ҳавзасини қураётми...

Мен ҳам журналист сифатида қўллаб қурилиш объектларида бўлганман, ёзганман. 90-йилларнинг охирида Яккабоғ қўргони ва Китоб шаҳри марказида қурилган коллежларнинг лойиҳаси паллапартиш тайёрлангани, ўта сифатсиз тикланганини ёзганман. Ўтган йили вилоят газетасида биноларга жуда сифатсиз ниятлар ишлатилаётгани ҳақида суратли танқидий мақолалар чоп этилганди. Ана шулар ҳақида муножаат қилганимда, қурилушлар экспертизаси бўйича вилоят бўлими раҳбари (у киши узоқ йиллар вилоят ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари лавозимда ишлаган) Эркин ака Мамадиёров шундай деганди:

— Замоннинг қанчалик ўзгар-



ЖАМОЛ АКА ҚУРАЁТГАН ИМОРАТЛАР замонавий, мустаҳкам ва кўркам

ганини кўряпсизми? Ҳозир вилоятда юзлаб гишт, темир-бетон, қум-шағал, бўёқ ва бошқа ноёб қурилиш ашёлари ишлаб чиқараётган корхоналар бор. Лойиҳалар-чи? Одамлар ўзлари борган мамлакатларда қўрган биноларга ўхшатиб, уй қуриб беришни устлардан талаб қилишмоқда. Ўзимизда, маҳаллий шароит, миллий анъана ва замонавий меъморчиликни пухта эгаллаган лойиҳачилар етишиб чиқмоқда. Мен ҳам қурувчиман, бинокор лойиҳаси сифатида катта эътибор бераман. Жамол Гафоров вилоятдаги энг тажрибали қурувчилардан бири. Шунинг учун буюртмачилари кўп, одамлар ундан рози. Жамолбек қураётган иншоотларнинг ҳаммаси гўзал, нафис ва пухта...

Эркин аканинг гапларидан кейин қурилишларга ўзгача назар ташлайдиган, буюртмачиларнинг фикрини сўрайдиган бўлдим. Эсимда, Китоб шаҳрининг катта йўлга туташ қисмида икки-уч йилдан буён ободончилик ишлари давом этаяпти. Ёшлар учун кўп қаватли иккита бино тикланди. Ил-йигирув корхонаси қайта жиҳозланиб, хорижга маҳсулот экспорт қилинапти. Корхонанинг теннис корти таъмирланиб, ёнда минни футбол майдончаси бунёд этилди. «Воҳа гулшани» хусусий корхонасининг кўш қаватли кўркам биноси қад ростлади. Шу жойда анча бўш майдон бор эди. Бу ерда икки йил ичида катта қурилиш ишлари олиб борилди. Ёпиқ басейн ўтган йил апрель ойида фойдаланишга топширилди.

Ўрта бўй, оқувадан келган, мулоим гапирадиган Жамол ака Гафоров спорт мажмуасининг ички қисмини кўрсатди. Совуқ кўнларда бино ва ҳовуз суви иситиларкан. Барча хоналар дид билан жиҳозланган. Қўлламалар нафис гиламга ўхшайди. Қўниқиб, рози бўлиб ташқарига чиқаман. Опоқ гуллаган ўрик дарахти тағдига султа ўтириб, атрофга разм соламан. Артизан кудук қовланганди. Анча ерга тартиб билан гуллар экилганди.

— Жамол ака, мана шу чинорларга қараб юрагим увишди, кейин кўрсатдим, гап бошлайман. Нега дейсизми? Қарши, Шаҳрисабз, шу Китобда ҳам анча чинорлар кесилиб кетди. Айтинг-чи, қай-

си тиббиёт институти тадқиқотчилари чинорлар нафас бугиш ва бошқа касалликларни тарқатишини илмий жиҳатдан исботлаган? Тўғриси, бунга ишонмайман. Қанча чинорларга қирон келтирилди. Дунёда беш минг йил яшайдиган дарахтлар бор. Чинор ҳам умри узоқ дарахт. «Хўжайилқони» қишлоғида 1200 йиллик чинор яшайабди. Хуллас, чинор дарахти — табиатнинг тенгсиз обидаси. Шунинг учун дарахтларга озор етказмай, иш олиб бораётганингиздан қувондим.

— Ҳа, гапингизда жон бор, — дейди Жамол ака анча уйланиб. — Шаҳар ва қишлоқларимиздаги азим дарахтларни ҳудуд-беҳудда кесиш — инсофсизлик. Иморатларнинг олди очилсин, деб дарахтларга асоссиз тиг ўраётганларга қўшилмайман. Шамо-ларга бардошли, узоқ яшайдиган дарахтларни кўкартсак, одамлар жазирама иссиқдан сақланади. Мана, бу ўрик дарахтлари учта экан. Техника ишлатиш қийин бўлди, аммо кесишга йўл қўймадим, қаранг, шигил мевага кирган. Биз янгида қураётган мактаб, боғча ҳовлисига турфа дарахт кўчатлари ўтказиб бераёلمиз. Япония ҳақида ўқиган-дим чоғи, юз қаватли иморатларнинг томида ҳам гул ва дарахт ўстиришаркан...

— Ҳамфикр топганимдан жуда хурсандман, — дейман юрагимни очиб. — Кўпдан буён чинор ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумот тўплайман, бирор мақола ёзилар. Ҳа, айтгандай, шу кўчадан кўп бора ўтганда, сизлар қурган спорт мажмуаси нимага ўхшаркин, деб ўйлардим. Ҳозир миямда бир нарсаярқ эди, бу иморат ташқаридан каттақон бешикка ўхшар-

кан. Нима дедингиз?

— Рост, ўхшашлиги бор, тасаввурингиз зўр экан, — жилмаяди Жамол ака ўзлари қурган биного боққанча, кейин охишта қўшиб қўяди: — Китоб шаҳри мен учун бешик бўлган... Эҳ, қандай кўнлар ўтди-я...

Уларнинг ҳовлиси Китоб шаҳрининг «Чуқурнашма» маҳалласида эди. У чашмалардан кўп бора сув ичган. Отаси ширинликлар тайёрлайдиган кичик қорхона раҳбари, отаси уй бекаси эди. Оилада тўрт ўғил ва тўрт қиз улғайди. Уларнинг олтитаси олий маълумотли бўлди. Жамол болалигидан тортинчоқ, раҳмдил эди. Отаси талаба фарзандларини қийналиб ўқитаётганини юра-ғи хис қиларди. Етмиш иккинчи йили мактабни битиргач, ўзи хоҳлаб қурилиш ташиклотида ишга кирди, кейин ҳарбий хизматга қақаришди. Армиядан келгач, политехника институтининг қурилиш ишлари факультетининг кечги бўлимида ўқиб, кундузи Тошкент бош қурилиш бирлашмасида меҳнат қилди.

— Етти йил умрим азиз пойтахтимиз Тошкент билан боғлиқ, — дейди Жамол ака ўша йилларини эслаб. — Тошкентни жондай яхши кўраман. Қачон бориб қолсам, ўзим қурилишда қатнашган биноларни бориб кўраман. Очиги, шу шаҳар менга қурувчиликни ўргатди. Институтни битириб, «Қашқадарёсувқурилиш» бошқармасига қарашли Китобдаги механизациялашган ташкилотта ишга келганман. 1982 йилда Китобдаги ил-йигирув фабрикасини қурганимизда, мен иш бошқарувчи бўлганман.

— Бир гал Варганзани тилга олгандингиз, — эслатаман унга. — Тоғдаги қишлоқни бориб кўр-

дим, янги сув иншооти қурилаяпти.

— Ўшанда жамоамиз воҳадаги кўп сув иншоотларида меҳнат қилганди, ҳикоя қилади Жамол ака. — Қанча каналларга бетон қўлладик, қанча очиқ ерларга сув чиқардик. Анор етиштирадиган Варганза ҳўжалиги ва қишлоғи адирларига сув етказадиган 2 та насос станциясини саксон тўққизинчи йилда ишга тушириб бер-

Президентимиз ташаббуси билан яратилган мақом санъати музейи жойлашган хоналарни жиҳозлаш, турфа экспонатларни жойлаштириш ишларини ҳам бажардик. Худога шукрки, уддаладик, улгурдик...

дик, 400 гектар янги ер ўзлаштирилган эди. Ҳозир ҳам ишлаб турибди.

— Биласизми, сув чиқариши камайибди, — дедим унга. — Шахсан Президентимизнинг кўрсатмаси билан «Варганза 1-2» насос станцияларини таъмирлаш, қарийб 3.5 километрга сув узатадиган янги «Оқбой» насос станциясини қуриш ишлари бошланиб кетган. Яна 400-500 гектар узумзор, анорзор ташкил этилибди.

— Бунга эшитгандим, — дейди Жамол ака мамнун бўлиб. — Бундай иншоотлар ниҳоятда зарур.

Жамол ака вилоятдаги кўп-лаб қурилишларда қатнашди. Мустақиллик йилларида хусусий ташкилот тузиш эҳтиёжи туғилди ва «Авангардгидроэксспресс» МЧЖ фаолият кўрсата бошлади. Моҳир бинокорлар жамланди, яхши техникалар олишди, бўёқ ишлаб чиқариш цехига эга бўлишди. Касби, Ғузор, Чироқчи туманларидаги кўп қурилишларда қатнашди.

Қадимий Шаҳрисабз шаҳрини обод қилиш, марказий кўчаларини тузаш, юзлаб кўп қаватли бинолар, савдо, маиший хизмат шохобчаларини қуриш муҳим вазифалар эди. Инсоният барпо этган нодир обидалардан бири

— Ҳов анави, икки қаватли иморатдаги уч хонали уйнинг соҳиби Темурбек деган йигит билан суҳбатлашдим, — дейман унга. — Бу уйларни сизни ташкилотингиз қурганини биларкан. Пастки қаватида ҳунармандлик кичик корхонаси жойлашган, миллий либослар тикиб, экспорт қилишаркан. «Уй эмас, меҳмонхона, истаган хорижлик сайёҳни бемалол кутиб оламиз», дейди у.

— Буюрсин ва фарзандларини янги уйда улғайтирсин, — тилак билдиради. Ҳалол ишлашни бизга устозимиз — Олимжон ака Комилов ўргатган. У киши қурган иморатлар ҳозир ҳам пишиқ ва кўркам. Энди Шаҳрисабзга келсак, шаҳарда 40 миллиард сўмликдан ошди қурилиш ишларини бажардик. Жами 108 хонадон учун 6 та кўп қаватли уйни қурдик. Иморатларнинг сувоғи, канализацияга улаш, электр ўт-қазиш ишларини ҳам ўзимиз бажарганмиз. Чаласи йўқ...

— Эсингиздами, ўтган йили халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши белгилангач, Бош майдонда ишлар тезлашиб кетганди, — эслатаман унга. — Сизни ва қурувчиларингизни мана шу санъат саройини таъмирлаш пайтида учратганман. Жуда улкан иморат, энг кўп иш шу жойда эди. Ишбошилар тинмай келиб турганини қўриб, «килоҳо, улгурсинлар, бирорта жазо олиб қолмасинлар», деб қайгурганман. Масъулият оғир эди, шундай эмасми?

— Юрак ҳовучлаган кўнларимизни эслатдингиз, — қуладди Жамол ака маҳобатли оппоқ санъат саройи биносига ўзгача меҳр билан боқиб. — Халқаро анжуман кўни белгилангач, таъмирлаш фурсати кескин қисқарди. Ўзиям тун-кун тинмадик. Президентимиз ташаббуси билан яратилган мақом санъати музейи жойлашган хоналарни жиҳозлаш, турфа экспонатларни жойлаштириш ишларини ҳам бажардик. Худога шукрки, уддаладик, улгурдик...

Турли давлатлардан келган санъаткор ва меҳмонлар обод хиббонда яйраб сайр қилишди, нодир обидалар, замонавий биноларни маҳлул бўлиб томоша қилишди.


— Анча йилдан буён Жамол ака билан бирга ишлаймиз, — дейди жамоанинг иш юритувчиси Жамшид Саломов. — Ютуқларимиз бошлиғимизнинг маҳорати-га боғлиқ, Жамол ака самимий, жуда меҳрибон. «Нима керак бўлса, айтинглар, пул одамдан азиз эмас», дейди ҳаммаша. Қанча ҳодимимиз у кишининг беғараз ёрдами туфайли уйлар қуриб, тўйларини ўтказди. Шундай меҳрибон раҳбар билан ким бирга ишлагани истамайди...

Жамол ака умр йўлдоши — болалар шифокори Фароғат ая Темирова билан беш ўғил ва икки қизни улғайтиришди. Улар иқтисодчи, қурувчи, шифокор бўлиб етишди. Энг кенжалари Мадина ўқувчи, уч ўғли отаси билан бирга қурилишда. Оила бекаси Фароғат ая Китоб шаҳридаги болалар поликлиникасида ҳозир ҳам шифокор. Бу тиббиёт масканига анча йил раҳбарлик қилган Саттор Раҳматов ҳозир Олий Мажлис депутати.

Яқинда Саттор Раҳматов Фароғат опага Тошкентдан қўнғироқ қилибди. Ўғилларни — Ҳасан яна ўғилли бўлган билан таъриклабди. Бу хушхабардан мен ҳам қувондим, Фароғат опанинг қутладим. Жамол акага қўнғироқ қилиб, тилақларимни айтдим. Илоҳим, «Ўмри билан берган бўлсин», деди у хурсандчилигини яширмай.

Қурувчилар сулопаси яна бир қишга қўпайибди. Эҳтимол, у ҳам кўп қурувчи бўларкан. Бошқа касбни танласа ҳам бобосига муносиб набира бўлсин, деган тилак дилимдан ўтди.

ЮНУС УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.



Реклама ҳуқуқи асосида.

Ҳар бир раҳбар ўз шахсий манфаатидан халқ манфаатини ўн карра, юз карра юқори қўйиши керак.

МАҚОЛАНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Ёки ўқимай, кимдир тайёрлаган жавобга имзо чекдингизми? Газетамизда чоп этилган танқидий мақолага икки мулозимнинг бир-бирига Ҳасан-Ҳусандек ўхшаши жавоблари ҳақида

Газетамизнинг 2018 йил 13 ноябрь сониди «Ёлғиз аёлни уйи бузиб ташланди» деб номланган мақола чоп этилган. Ушбу мақолага Андижон вилоят прокуратураси ва Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судидан келган жавоблар юзаси бўлгани боис бу мавзуга яна қайтишга тўғри келган эди.

Газетамизнинг 2019 йил 22 январь сониди иккинчи марта чоп этилган «Ёлғиз аёлни уйи бузиб ташланди». Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган. Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган.

Афсуски, шундан кейин ҳам тош ўрнидан силкимади. Антарктидадаги музлар эриси, эридик, андижонлик раҳбарлар кўнгли юмшамади. Аслида бу аёл уйсиз эмас эди, унинг уйини бузиб ташлашди. Икки нафар гўдаги билан ватансиз қолган ёлғиз аёлга раҳм қилишмади. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Чакчон-2» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги уйи суд томонидан ноқонуний қурилган, деб топилиб, Мажбурий ижро бюроси Олтинкўл туман бўлими томонидан 2018 йил 9 август куни кечки пайт экскаватор билан бузиб ташланган Нафисахон Бобоназарова хали ҳамон икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ҳоқимият томонидан вақтинча ажратилган, аммо мутлақо шарт-шароити бўлмаган бир қулбада сарсон-саргардон бўлиб юрибди...

2018 йил 20 апрелда Президентимиз томонидан «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Ана шу фармон тўғрисида қанча-қанча юртордашларимизга бағрикенглик, инсонийлик тасовилларидан келиб чиқилиб, руҳсатсиз қурилган уйларга, мулкка эгалик ҳуқуқи берилди.

Газетада чоп этилган ҳар икки мақолада Президентимиз ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларини уй-жой билан таъминлаш учун қаттиқ қайғуриб, давлат бюджетидан катта маблағ ажратётган, махсус акция эълон қилган бир пайтда икки болали ёлғиз аёлни уйи бузмаслик мумкин эди-ку, деган масала кўтарилган эди.

Андижон вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия маслаҳатчиси А.Сайдалиевнинг жавоб хатидан: «Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан давлоғар — Олтинкўл туман прокуратураси И.Турдиев ва Ф.Асқаров манфаатини қўллаб, жаобгар Н.Бобоназаровага нисбатан «Ноқонуний қурилмаларни жавобгар ҳисобидан буздирши ҳақида»ги давлоғар аризаси қаноатлантирилган. ...жавобгар Н.Бобоназарова суд жараёнида, ушбу ер майдони ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни судга тақдим қилмаган».

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон

ЁЛГИЗ АЁЛНИНГ УЙИ БУЗИБ ТАШЛАНДИ

Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди



Нафисахон Бобоназарова ва фарзанди билан қарда яшайди

Нафисахон Бобоназарова ва фарзанди билан қарда яшайди. Ушбу мақолага Андижон вилоят прокуратураси ва Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судидан келган жавоблар юзаси бўлгани боис бу мавзуга яна қайтишга тўғри келган эди.

Газетамизнинг 2019 йил 22 январь сониди иккинчи марта чоп этилган «Ёлғиз аёлни уйи бузиб ташланди». Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган. Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган.

Афсуски, шундан кейин ҳам тош ўрнидан силкимади. Антарктидадаги музлар эриси, эридик, андижонлик раҳбарлар кўнгли юмшамади. Аслида бу аёл уйсиз эмас эди, унинг уйини бузиб ташлашди. Икки нафар гўдаги билан ватансиз қолган ёлғиз аёлга раҳм қилишмади. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Чакчон-2» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги уйи суд томонидан ноқонуний қурилган, деб топилиб, Мажбурий ижро бюроси Олтинкўл туман бўлими томонидан 2018 йил 9 август куни кечки пайт экскаватор билан бузиб ташланган Нафисахон Бобоназарова хали ҳамон икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ҳоқимият томонидан вақтинча ажратилган, аммо мутлақо шарт-шароити бўлмаган бир қулбада сарсон-саргардон бўлиб юрибди...

2018 йил 20 апрелда Президентимиз томонидан «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Ана шу фармон тўғрисида қанча-қанча юртордашларимизга бағрикенглик, инсонийлик тасовилларидан келиб чиқилиб, руҳсатсиз қурилган уйларга, мулкка эгалик ҳуқуқи берилди.

Газетада чоп этилган ҳар икки мақолада Президентимиз ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларини уй-жой билан таъминлаш учун қаттиқ қайғуриб, давлат бюджетидан катта маблағ ажратётган, махсус акция эълон қилган бир пайтда икки болали ёлғиз аёлни уйи бузмаслик мумкин эди-ку, деган масала кўтарилган эди.

Андижон вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия маслаҳатчиси А.Сайдалиевнинг жавоб хатидан: «Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан давлоғар — Олтинкўл туман прокуратураси И.Турдиев ва Ф.Асқаров манфаатини қўллаб, жаобгар Н.Бобоназаровага нисбатан «Ноқонуний қурилмаларни жавобгар ҳисобидан буздирши ҳақида»ги давлоғар аризаси қаноатлантирилган. ...жавобгар Н.Бобоназарова суд жараёнида, ушбу ер майдони ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни судга тақдим қилмаган».

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон

ЁЛГИЗ АЁЛНИНГ УЙИ БУЗИБ ТАШЛАНДИ

Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди



Нафисахон Бобоназарова ва фарзанди билан қарда яшайди

Нафисахон Бобоназарова ва фарзанди билан қарда яшайди. Ушбу мақолага Андижон вилоят прокуратураси ва Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судидан келган жавоблар юзаси бўлгани боис бу мавзуга яна қайтишга тўғри келган эди.

Газетамизнинг 2019 йил 22 январь сониди иккинчи марта чоп этилган «Ёлғиз аёлни уйи бузиб ташланди». Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган. Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қарда яшайди?» деб номланган мақола чоп этилган.

Афсуски, шундан кейин ҳам тош ўрнидан силкимади. Антарктидадаги музлар эриси, эридик, андижонлик раҳбарлар кўнгли юмшамади. Аслида бу аёл уйсиз эмас эди, унинг уйини бузиб ташлашди. Икки нафар гўдаги билан ватансиз қолган ёлғиз аёлга раҳм қилишмади. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Чакчон-2» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги уйи суд томонидан ноқонуний қурилган, деб топилиб, Мажбурий ижро бюроси Олтинкўл туман бўлими томонидан 2018 йил 9 август куни кечки пайт экскаватор билан бузиб ташланган Нафисахон Бобоназарова хали ҳамон икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ҳоқимият томонидан вақтинча ажратилган, аммо мутлақо шарт-шароити бўлмаган бир қулбада сарсон-саргардон бўлиб юрибди...

2018 йил 20 апрелда Президентимиз томонидан «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Ана шу фармон тўғрисида қанча-қанча юртордашларимизга бағрикенглик, инсонийлик тасовилларидан келиб чиқилиб, руҳсатсиз қурилган уйларга, мулкка эгалик ҳуқуқи берилди.

Газетада чоп этилган ҳар икки мақолада Президентимиз ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларини уй-жой билан таъминлаш учун қаттиқ қайғуриб, давлат бюджетидан катта маблағ ажратётган, махсус акция эълон қилган бир пайтда икки болали ёлғиз аёлни уйи бузмаслик мумкин эди-ку, деган масала кўтарилган эди.

Андижон вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия маслаҳатчиси А.Сайдалиевнинг жавоб хатидан: «Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан давлоғар — Олтинкўл туман прокуратураси И.Турдиев ва Ф.Асқаров манфаатини қўллаб, жаобгар Н.Бобоназаровага нисбатан «Ноқонуний қурилмаларни жавобгар ҳисобидан буздирши ҳақида»ги давлоғар аризаси қаноатлантирилган. ...жавобгар Н.Бобоназарова суд жараёнида, ушбу ер майдони ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни судга тақдим қилмаган».

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон

майдони ажратиб берилган. Нафиса Бобоназарованинг турмуши бузилиб, икки нафар фарзанди билан онасининг уйига қайтиб келгач, уйига яқин бўлган мактабга таълим муассасасига кир ювувчи бўлиб ишга қиради. Ойлик маоши 380-400 минг сўм.

Онаси Нигорой Бобоназарова қизи ва невараларига жони ачиб, уй-рўзгор ва фарзандларидан ортирган маблағидан ўзларига ажратилган ер майдонидан икки хонали уйни қуриб битказди ва уларни шу ҳовли-жойга қўчирди.

Нафиса Бобоназарова уйни ўз номига ўтказиш учун масъул идораларга мурожаат қилади, ўша вақтда жамоа ҳужа-лигида ишлаган масъуллар томонидан ер ажратиб берилишга оид ҳужжатлар давлат архивга тўлиқ топширилмагани аниқланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2018 йил 16 январь кунги ҳал қилув қарори, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 13 апрель кунги ажримига қўра, Нафиса Бобоназарованинг уй-жойи ўзбошимчилик билан қурилган ҳисобланиб, буздирши белгиланди. Суд ҳужжатларига асосан ижро варақаси Мажбурий ижро бюроси Олтинкўл туман бўлимига ижро этиш учун юборилди.

Шундан сўнг Нафиса Бобоназарова Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги фармонида асосан Олтинкўл тумани ҳоқими Бахтимурод Каримов (собиқ) номига ва Давлат хизматлари агентлиги Олтинкўл туман бўлими (2018 йил 27 июнь кунли) турар-жойга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади. Аризага на Олтинкўл тумани ҳоқими, на Давлат хизматлари агентлигидан жавоб ололмади. Бунинг устига, Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишлари бўйича Олтинкўл туман комиссияси раиси ва аъзолари шу кунгача аризани қўриб чиқиб, комиссия номидан ёзма жавоб бергани йўқ.

Мақолада кўтарилган масала юзасидан Андижон вилоят ҳоқими ўринбосари И.Холматовдан 2019 йил 5 январь ҳафта 2 март санаси билан олинган жавобларда эса қандай уй-жой қонун-сулоҳи, қасби бири қонунли ҳисобланиши тахририятга батафсил тушунтирилган.

Жавоб хатида жумладан, шундай дейилади: «Ўзбошимчилик билан қурилган иморат, суднинг қонуний қучга кирган ва ҳал қилув қарори асосида буздирилган. Бу иморатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 20 апрелдаги ПО-5421-сон фармони талаблари асосида мулк ҳуқуқи белгилашга асос мавжуд эмаслиги тўғрисида ариза муаллифига маълум қилинганлиги билдирилади».

Савол: — Фармон талабларига нега

тўғри келмайди? Эҳтимол, кимнингдир хоҳишига тўғри келмас?... Ҳайрон қоларли жойи шундаки, Андижон вилоят прокуратурасининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси А.Сайдалиев, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси Ж.Қарабобоев, Андижон вилоят ҳоқими ўринбосари И.Холматов томонидан тахририятга йўлланган жавоб хатларида қандай қилиб бўлса ҳам идоралар манфаати ҳимоя қилинаётганга ўхшайди. Биринчидан, бу уйни бузмаса ҳам бўларди, иккинчидан, ҳўп, бу уйни бузишга бузишибди, лекин ёлғиз аёл билан норасида гўдакларни қўчада қолдирмаслик чорасини қўриш мумкин эди-ку? Агар жонлари ачиганда, виждонлари қийналганида, чуқурроқ ўйлаб қўришар эди, албатта.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар кўп азоб-уқубатларни бошидан ўтказган сабр-тоқатли, заҳматкаш халқимизнинг қаддини кўтаришга, эртанги кунини бундан ҳам яхшилашга қаратилган. Президентимиз халқ хизматида бўлган катта-кичик амалдорларни оддий одамларнинг муаммоларини ҳал этишга, уларга сидқидилдан хизмат қилишга ундаяпти, талаб қилаяпти.

Афсуски, айрим ноҳақликларни, инсон манфаатларини поймол этиш ҳолатларини бартараф этиш жуда қийинчилик билан кечаяпти. Энг ачинарлиси, баъзи амалдорларнинг онги, дунёқараши замон талабига мос келмаяпти. Салла олиш ўрнига қалам олиш ҳолатлари рўй бермоқда. Холбуки, ўзига ишонч билдирилиб, у ёки бу лавозимга муносиб қўрилган ҳар бир раҳбар ўз шахсий манфаатидан халқ манфаатини ўн карра, юз карра юқори қўйиши керак.

Давлат ҳоқимияти бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолияти Президентимиз айтганидай, бундан буён ўз хизмат вазифасига қандай муносабатда бўлаётганига, халқ манфаати йўлида амалга ошираётган эзгу ишларига қараб баҳоланади. Бунда оммавий ахборот воситалари жамиятдаги барча жараёнларни, ютуқ ва камчиликлари ҳолис ва шаффофлик билан ёритиб бориши жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида катта аҳамият касб этади. Бундан жамият соғломлашади, пировардида халқ манфаатлари устуворлиги таъминланади.

Бугун «амалдорман», деб гўдда-ийб юриш даври ўтди. Амалдоримсан, демек, халқнинг хизматкорисан. Ўз хизматингни ҳалол, виждонан бажарсанг, ўзоққа борасан, акс ҳолда, ўрнингини бошқага бўшатиб беришингга тўғри келади.


Биз ёлғиз она Нафиса Бобоназарованинг масаласини назоратда ушлаб тураемиз. Зарурат бўлса, мавзуга яна қайтаемиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ..

АВТОМАШИНАНИ ОЛИБ ҚОЧГАНЛАР УШЛАНДИ



2019 йил 11 август куни соат 01:00ларда 2 нафар номаълум шахс Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманида яшовчи 25 ёшли Ж.Б. бошқарувидаги «Nexia» русумли автомашинаси-га йўловчи сифатида ўтирган. Улар Пастдаргом тумани Жума шаҳри Тўрттом маҳалласи ҳудудига етиб келганларида, номаълум шахслар ҳайдов-чига тан жароҳати етказиб, уни автомашинадан зўрлик ишлатиб туширган. Автомашинани эса ҳайдаб қочишган.

Олиб борилган қидирув ишлари натижаси-да автомашина Элбек маҳалласи ҳудудидан топишган.

Қўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни Тўрттом маҳалласида яшовчи, муқад-дам судланган 20 ёшли М.О. ва Нуробод тумани, Баракка қўчасида яшовчи 24 ёшли Х.Н.лар содир этганлиги аниқланиб, ушланган.

Жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатла-ри олиб борилмоқда.

ТАНИШЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАНЖАЛ...



2019 йил 9 август куни соат 17:00ларда вақтинча Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ту-мани, Навоий қўчасида яшовчи 24 ёшли Г.В. исмли аёл ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг ки-риш йўлидаги ўзаро жанжал тўғрисида таниши, Юнусобод тумани, Турк қўғон қўчасида яш-овчи 25 ёшли Д.Р.нинг кўчрак қисмига ўткир тигли жим билан уриб, жароҳат етказган. Натижада Д.Р. касалхонага етказилиб, Г.В. ушланган.

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ЎҒИРСИ



Шу йилнинг 25 июль куни Яшнобод тумани, Ховос 2-тор қўчасида яшовчи 30 ёшли Д.Т. исмли аёл туман прокуратурасига ёзган ари-засида номаълум шахс «Авиасозлар» деҳқон бозори ҳудудига ҳисобиди 3.230.000 сўм пули бўлган пластик карточкасини ўғирлаштириб қўй-гани маълум қилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган эди.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жи-ноятни Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Муборак маҳалласида яшовчи 20 ёшли У.З. содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

МАСТЛИКДА АКАСИ ҲАМ КЎЗИГА КЎРИНМАДИ



2019 йил 12 июль куни соат 12:45ларда Жиззах вилоятининг Ш.Рашидов туманида Қангли МФЙда яшовчи 47 ёшли О.Х. маст ҳолда уйдаги ўзаро жанжал оқибатида бирга яшовчи акаси 48 ёшли А.Х.нинг ўнг оёқ сон қисмига пичоқ ва кетмон дастаси билан уриб, жароҳат етказган.

Натижада А.Х.га касалхонада тиббий ёр-дам кўрсатилган. О.Х. ушланган. Тергов ҳара-катлари олиб борилмоқда.

7 КИЛОГРАММДАН ОРТИҚ «МАРИХУАНА» БИЛАН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тошкент вилоятининг Пискент тумани-да ўтказилаётган «Қорадори — 2019» кенг қамровли тадбири давомида 2019 йил 8 ав-густ куни Олмалик шаҳрида яшовчи 51 ёшли А.К. Намуна маҳалласи ҳудудидан ўтувчи «Тошкент — Олмалик» йўлининг четиди 7 кг. 420 гр. «марихуана» гиёҳвандлик моддасини қўлидаги қоп ичидида олиб кетаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТЎҲАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Жамоатчилик ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар
бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

Гиёҳванд моддалар кулфат келтиради

Бу бало-қазони етиштирган, сотмоқчи бўлган қанча одам қамалиб кетмоқда

Маълумки, гиёҳванд моддаларни етиштириш, сотиш ўта оғир жиноятлардан ҳисоблана-ди. Ҳар йили бу заҳри қотил қанча одамлар ўлимига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, бу фожиалардан ҳамон тўғри хулоса чиқариб олмаганлар учраб турибди.

Гиёҳвандлик воситаларини юртимизга ода-тий усулларда олиб киришнинг имкони йўқлиги-ни билган шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларини қалғитиб, ўз режаля-рини амалга оширмакчи бўладилар. Тижорат мақсадида мунтазам равишда Туркия давлати-га қатновчи, Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида яшовчи 50 ёшли З.Р. жорий йилнинг 8 июль куни соат 18:30 ларда Истамбул шаҳридан Тошкент Халқаро аэропортига учиб келди. 19 АҚШ дол-лари эвазига кимдир бериб юборган «совга» — умумий вази 38,78 гр МДМА ҳамда 0,85 гр метамфетамин гиёҳвандлик воситалари яшириб қадокланган 10 донна ширинлик қутисини вақтин-ча Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи, фароналик 25 ёшли Х.А.га бериши керак эди. Х.А «совга»ни олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи орган ҳодимлари томонидан воқеа жойида ушланди.

Ушбу гиёҳвандлик воситалари асли Фаргона-нинг Қўқон шаҳрида яшовчи, ҳозирда Туркия дав-латида бўлган 28 ёшли М.А. томонидан таниши Қўқон шаҳрида яшовчи Ш.П.га бериб юборилган экан. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тер-гов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

2019 йилда ҳам наркотик моддаларнинг но-қонуний айланмасига чек қўйиш борасида ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Натижада ўтган 6 ой давомида 1524 нафар шахс ушланиб, 313 кг. 511 грамм гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олинди.

2018 йилнинг мос даври билан таққослайдиган бўлсак, ўтган йилнинг 6 ойи давомида 1562 на-фар шахс ушланиб, 562 кг. 482 грамм гиёҳвандлик



«Қорадори — 2019 тадбири»

моддаси олинган эди. Ушбу рақамлардан кўриш мумкинки, жиноятнинг бу тури оз бўлса-да қамай-моқда.

Жорий йил 1 май — 30 июнь кунлари Ўзбеки-стон Республикасининг барча ҳудудда «Қорадори — 2019» кенг қамровли тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди. Унда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, улар қаторида 9 мингдан ортиқ ички ишлар органлари ҳодимлари ҳамда 3 ярим мингдан зиёд жамоатчилик, корхона, ташилот ва ҳоқимият вакиллари қатнашди. Наркотик моддалар контрабандасининг олдини олиш мақсадида чега-раолди ва тоғли ҳудудларда, шунингдек, айланма й

Реклама ва қутловлар

NAVRUZ



«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни мамлакатимиз Истиқлолининг
28 йиллиги билан муборакбод этади!

Элимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган
яратувчанлик ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Байрамингиз қутлуғ
бўлсин, азиз ватандошлар!

Маҳсулотлар сертифициланган.

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»



акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни,
соҳа ходимларини
Мустақиллик байрами
билан
муборакбод этади!

Бунёдкорона меҳнатимиз,
эзгу саъй-ҳаракатларимиз
юртимизга, оилаларимизга
бахт ва омад олиб келсин!

Хирмонингиз донга,
хонадонларингиз қувонч
ва файз-баракага
тўлаверсин!



Маҳсулотлар сертифициланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»



**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ
ПОД ЗАКАЗ:**



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Бosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALLOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'lg'in TO'RXONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni

chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 3552 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:50.

Topshirilgan vaqti — 00:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6